



# HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2017-yil 23-avgust, chorshanba \* № 34 (1045) \* 1996-yil dekabrda chiqarib boshlagan \* Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz \* www.hurriyat.uz

## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

- ✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 август куни мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Қозоғистон Республикаси муҳофаа вазири Сакен Жасузоқовни қабул қилди.
- ✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 17 август куни Тошкентда ички ишлар органлари тизимида олиб борилаётган ишларнинг аҳволи, муаммолар ва келгусидаги вазифаларга бағишланган видео-селектор йиғилиши бўлиб ўтди.
- ✓ 18 август куни мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев Бекобод шаҳрига ташриф буюрди. Ташриф давомида Бекобод шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, Халқ қабулхонасига келиб тушган мурожаатлар билан ишлаш, ёшлар бандлигини таъминлаш, таълим тизimini такомиллаштириш, "Ўзбекистон металлургия комбинати" АЖ фаолиятини янада ривожлантириш ва шу каби бошқа масалалар кўриб чиқилди.
- ✓ 17 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти "Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорни имзолади.
- ✓ 18 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти "Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорини имзолади.



"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамраҳи.



## “ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ” НИНГ ҒОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг "Медиа-холл"ида "Энг улуг, энг азиз" республика кўрик-танлови ғолиблика ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Турли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, адабиёт, маданият ва санъат намояндalari, маънавият тарғибotchilari, журналистлар йиғилган тадбирда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Л.Тангриев ва бошқалар буюк ва бебаҳо неъмат — мустақилликнинг миллий тараққийоти, бугунги ва келгуси авлодлар тақдири, келажги учун беқийс аҳамияти ортиб бораётгани, халқимизнинг манфаатлари, тинч ва осуда ҳаётини таъминлаш, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги омураб-этиборини юксалтиришга хизмат қи-лаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Маданият вазирлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси, Ёзувчилар

уюшмаси, "Ўзбеккино" Миллий агентлиги, Бадий академия, "Тасвирий ойна" уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, Электрон ОАВ миллий ассоциацияси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган "Энг улуг, энг азиз" кўрик-танлови ҳам бунинг мисолидир. Йигирма йиллик тарихга эга кўрик-танлов бу йил "Фидойинг булгаймиз сени, Ўзбекистон!" деган эзгу ғоя асосида ташкил этилди.

Танловга адабиёт, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари, тасвирий санъат, фотография, дизайн, кино йўналишлари бўйича қарийб 500 ижодкордан 5 мингта яқин иш келиб тушган. Тақдим этилган асарларда истиқлол ғоялари, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳара-

катлар стратегияси ҳамда "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурининг маъно-мазмунини кенг акс эттириш, қўлга киритилган ютуқларимизнинг асосий омил ва мезони сифатида биринчи навбатда халқимизнинг фидокорона меҳнати, одамларимиз, авваламбор, ёшларимизнинг дунёқараши, сиёсий онги ва тафаккури ўзгариб, фуқаролик позицияси тобора кучайиб бораётганини ҳаётини далил ва мисоллар орқали талқин этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Тантанали маросимда турли йўналишлар бўйича 25 ғолиб ва совриндорга диплом ва эсдатлик совғалари топширилди.

Малоҳат ХУСАНОВА,  
ЎЗА муҳбири

2-бет

## ▶ ФАОЛИЯТ ТОВАР-ХОМАШЁ БИРЖАСИ: кеча, бугун ва эртага

Кейинги йилларда юртимизда товар-хомашё биржаси савдо технологиялари ва қондалари ишлаб чиқилиб, хорижий мамлакатларнинг тажрибаси ўрганилди. Жорий этилган брокерлик идоралари ва савдо майдончаларининг тармоғи тубдан янгиланди. 2004 йилда Вазирлар Маҳкамасининг "Маҳсулотлар, хомашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида"ги қарорининг қабул қилиниши натижасида, мавжуд товар-хомашё ресурсларини лимит-фонд тақсимоти бекор қилиниб, товарларни биржада сотилишининг бозор механизми шакллантирилди.

Яқинда Ўзбекистон миллий матбуот марказида "Мустақиллик йилларида товар-хомашё биржаси: кеча, бугун ва эртага" мавзусида "Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси" акциядорлик жамияти томонидан матбуот анжумани ўтказилди. Тадбирда товар-хомашё биржасининг мустақиллик йилларидаги натижалари ва биржанинг қисқа муҳлатли ривожланиш лойиҳалари борасида маълумот берилди.

Анжуманда таъкидлаб ўтилганидек, мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг муҳим босқичларидан бири бу Ўзбекистонда бозор инфратузилмалари, шу жумладан, биржа тизimini шакллантиришдир.

Ўз навбатида мазкур механизм товар сегментини бозор нархларини шакллантириш, ўтказилаётган савдо операцияларининг очиқ-ошкоралигини

нес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан тузилган битимларнинг ҳажми 27 мартабга, яъни 303,6 миллиард сўмдан 8,3 триллион сўмгача ўсди. Жорий йилнинг биринчи ярмида эса ушбу кўрсаткич 4,7 триллион сўмни ташкил қилди. 2016 йилнинг биринчи ярмига нисбатан ўсиш 15 фоизга тенг. Яъни тадбиркорлар биржа орқали 3,2 триллион сўмлик товар ресурсларини харид қилиб, 1,5 триллион сўм миқдоридида маҳсулотларини сотдилар. Бунда тадбиркорларнинг маҳсулотларини биржа орқали сотиш ҳажми 16 фоизга ўсди. Ушбу рақамлар бизнес вакилларининг биржа савдолари ва электрон тижоратда иштирок этишга бўлган қизиқишлари кундан-кунга ошаётганидан далolat беради.

Биржа кўрсаткичларининг ўсишига сотилаётган товарлар номенклатурасининг кенгайиши ва бозорнинг юқори даражадаги ликвидлиги, ахборот технологияларининг замонавий турларини жорий этиш ҳисобига эришилди.

Ҳозир тармоқда 800 та брокерлик идоралари ва уларнинг таркибиди 2 мингта яқин трейдерлар аккредитациядан ўтган. Марказий офис ва 13 та худудий филиаллардан ташқари республикаимизнинг деярли барча туманларида 215 та савдо майдончаси самарали фаолият юритмоқда.

**Хурриятли муштарийлар,**

2017 йил учун "HURRIYAT" газетасига обуна ишлари давом этмоқда. Газетамизга обуна бўлмаганлар эса уни савдо дўконларидан харид қилишлари мумкин.

Ўқинг, баҳра олинг ва уни ҳамроҳларингизга ҳам ҳадя этинг. Бундан ташқари, "Hurriyat" да топ этилган материаллар билан www.hurriyat.uz сайти орқали ҳам танишингиз мумкин.

**"HURRIYAT" ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ!**

## ▶ ТАҲЛИЛ НОШИРЛИК – БИЗНЕС ЭМАС, балки маънавият-маърифат иши бўлмоғи керак

Республикаимизнинг жадал тараққиёти, бугун ҳар бир соҳа ходимларидан замонга мос тарзда фаолият юритишни, мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар, янгиланишларга мувофиқ ишлашни тақозо этмоқда. Зеро, бугун барча жабҳалар каби бевосита матбуот, оммавий ахборот воситалари ҳамда ноширлик ва матбаачилик, ахборот кутубхона ва китоб тарғиботи соҳасида ҳам бир қатор ўта муҳим ҳужжатлар қабул қилиниб, муҳрога қаратилди.

Чунончи, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 3 август куни республикаимиз зиёлилари билан бўлиб ўтган учрашувида таъкидланган, ўзбек тили ва адабиётини, бадий тафаккуримизни ривожлантириш орқали халқ маънавиятини юксалтириш, ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини ошириш, ёзувчи билан ўқувчининг ўзаро алоқасини мустаҳкамлаш, Ўзбекистонни миллий адабиёт

ижтимоий жиҳатдан аҳамиятсиз, бадий номуқаммал, матбаа ижроси ҳам амалдаги стандартлар талабига мувофиқ келмайдиган, баъзан ҳатто олди илмо қондаларига ҳам ривож этилмаган нашрлар учраб турибди. Ва бу кенг жамоатчилик орасида ҳақли эътирозга сабаб бўлмоқда. Баъзан, ана шундай нашриётлар фаолиятини йўналтирадиган, уларга йўл-йўриқ кўрсатадиган амалий-услубий ёрдам бериш ваколатига эга давлат органи ҳисобланмиш Матбуот ва ахборот агентлиги нега уларга қатъийроқ чоралар кўрмайди, уларнинг фаолиятига чек қўймайди? — деган саволни беришди. Агентлик таҳлиллари асосида, сўнгги йилларда турли савиясиз, олди-қолди, миллий менталитетимизга хилоф бўлган адабиётларни нашр этиш ишига маълум даражада тўсиқ қўйилди, талаб даражасида фаолият юритмаётган 10 дан ортиқ нашриётларнинг ноширлик ҳуқуқи бекор қилинди.

4-бет

ТОВАР-ХОМАШЁ БИРЖАСИ:

кеча, бугун ва эртага

«Бошлангичи 1-бегла»

Биржа савдо инфратузилмасининг кенгайтирилиши

Биржада ҳисоб-китоб клиринг палатаси орқали йиллар давомида қўлланилаётган кафолатлаш механизми

Бу йилги инновацион янгиликлардан яна бири бу он-лайн режимда барча савдо платформаларида бирдан аккредитациядан ўтиш имконини берувчи "Бир ойна" интерактив хизматининг жорий этилиши бўлди.

Хикматулло ТИЛЛАБОЕВ, "Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси" АЖга ISO

9001:2015 халқаро сертификати тошдирилди. Ушбу мувофиқлик сертификати акциядорлик жамиятини биржа савдолари ва электрон тижоратни ташкиллаштириш ҳамда ўтказиш соҳасида халқаро сифат талабларига мослигини тўла тасдиқлайди.

Бугунги кунда биржа Call-марказига келиб тушаётган қўнғирқоқлар, фуқаролар мурожаатларининг натижалари ҳам мунтазам равишда таҳлил қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегиясининг устувор йўналишларидан келиб чиқиб, Товар-хомашё биржасида қатор истиқболли лойиҳалар амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегиясининг устувор йўналишларидан келиб чиқиб, Товар-хомашё биржасида қатор истиқболли лойиҳалар амалга оширилади.

Хикматулло ТИЛЛАБОЕВ, "Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси" АЖ матбуот котиби

БУГУННИНГ МАВЗУСИ

Президентимиз маърифат фойдаси билан бўлган учрашувда, таълим жараёнидаги ўқиш ва ўқитиш ишларини янги боқичга кўтариш, умумтаълим мактабларида сино шарти билан ўн бир йиллик таълимни тиклаш борасида таклиф билдирганди.

Худудларда фуқаролар, жамоатчилик вакиллари билан ташкил этилган учрашувларда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарига ота-оналардан умумтаълим мактабларида 10-, 11-синфларни ташкил этиш юзасидан кўллаб қўлланган таклифлар келиб тушган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хўнара таълими маркази, олий таълим муассасалари ректорлари, кенг жамоатчилик вакиллари билан тузилган ишчи гуруҳ аъзолари томонидан жойларда ота-оналар ҳамда кенг жамоатчиликнинг хоҳиш-истакларини инобатга олиб, 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб мактабнинг 9-синф битирувчиларининг истақлари асосида умумтаълим мактабларининг 10-синфларида, академик лишей ёки касб-хўнара коллежларида ўқишни давом эттиришларига оид фикрлари ўрганилди.

Бунда умумтаълим мактабларининг 466 минг нафар 9-синф битирувчиларидан 352 минг нафари 10-синфда ўқишни давом эттириш хоҳишини билдиришди.

2017-2018 ўқув йилидан бошлаб касб-хўнара коллежларининг ўқув устанолари базасида ўқув ишлаб чиқариш мажмуалари ташкил қилиниб, уларга яқин атрофдаги мактаблар бириктирилди, бунда касб-хўнара коллежларидан узоқ масофада жойлашган умумтаълим мактабларининг ўқувчилари учун шу мактаб базасида ҳам ўқув ишлаб чиқариш мажмуаси ташкил этилади.

Мазкур ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида касб-хўнара

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА

Ўрганган ўқувчиларга 11-синфнинг якуни бўйича аттестат билан биргаликда, меҳнат фаолияти билан шуғулланиш имконини берадиган давлат намунасидаги ҳужжат берилди.

Ҳозир малакали педагоглар яхши ҳақ тўлайдиган жойларда ишлашга ҳаракат қиляпти. Вақтида маошларини камлиги бос эркак ўқитувчиларимизнинг кўпчилиги бошқа касбларнинг этагини тугиб кетганини биламиз.

Бугунги кунда халқ таълими тизимида 389740 нафар педагог фаолият кўрсатиб келмоқда. Улардан 30 фоизини (114560) нафарини эркак ўқитувчилар ташкил этади.

Жумладан, 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб халқ таълими тизимидаги методистлар иш ҳақи миқдорлари 1,5 бараварга ошириб тўланмоқда.

Қишлоқ жойлардаги умумтаълим мактабларида жисмоний тарбия ўқитувчиси ҳамда спорт устози бўлиб ишлаётган аёлларнинг тариф ставкаларига ҳар ойда 15 фоиз миқдорда устамалар тўлаб келинмоқда.

Умумтаълим муассасаларининг ўзининг билими ва салоҳияти билан ўнрақ бўлаётган чет тиллар ўқитувчиларига қишлоқ жойлардаги таълим муассасаларида лавозим маошининг 30 фоизи миқдорда, қолган таълим муассасаларида лавозим маошининг 15 фоизи миқдорда ойлик устамалар тўлаб келинмоқда.

Албатта вазирлик томонидан келгусида ҳам педагоглар таркибини шакллантириш, эркак педагог-мутахассисларни соҳага жалб қилиш юзасидан муайян талбирлар амалга оширилади.

Мактаб кутубхонаси маданият ва таълимнинг асосий қисми ҳисобланади. Мамлакатимизда китобхонлик ва мутлола маданиятини юксалтириш учун кенг қўлдан тарғибот-ташвиқот ишлари йўлга қўйилган.

Ўқувчилар ўртасида бадний адабиёт мутлоасига бўлган қизиқишни янада ошириш, уларда кекса авлод вакилларига нисбатан ҳурмат туйғуларини шакллантириш ва улар ўртасида китобхонликнинг тарғиб қилиш мақсадида 2015-2016 йилларда Халқ таълими вазирлиги томонидан "Соғлом бола йили" давлат дастури доирасида мактаб кутубхоналарига лотин графикаси асосида наشر этилган 27 номда жами 847 293 нусха адабиётлар харид қилинди.

2016-2017 йилларда 28 номдаги жами 1,2 миллион нусха лотин графикаси асосида яратилган ўзбек ва чет эл ёзувчиларининг бадний адабиётлари, энциклопедиялар ва ўрганиш китоблари харид қилиниб, барча таълим муассасаларига етказилди.

Шунингдек, жорий йилда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда умумтаълим мактаблари кутубхоналари учун 10 миллиард сўмлик бадний адабиётлар харид қилиниши режалаштирилмоқда.

Бугунги кунда ўқувчиларни интернет тармоғи орқали китоб мутлоасига қизиқтириш мақсадида www.kitob.uz, www.taqvim.uz сайтлари ташкил қилинган бўлиб, ушбу сайтга бадний адабиётларнинг 2 мингдан зиёд электрон шакллари жойлаштирилган.

Халқ таълими вазирлиги томонидан халқ таълими тизимидаги бошқарув органлари, таълим муассасалари ва ўқитувчиларнинг ижодий фаолигини ҳамда ахборот-коммуникацияларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, замонавий АКТни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ОЛТИ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИГА КЎРА ЎТКАЗИЛГАН "ЭНГ УЛУФ, ЭНГ АЗИЗ" РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ҒОЛИБЛАРИ ВА РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ МУКОФОТ СОҲИБЛАРИ

Ёзувчи ва шоирларнинг бадний асарлари бўйича:

Зулфия Мўминова, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир, 1-ўрин — "Аёлга гул беринг" шеърини тўплами учун

Жуманазар Бекназаров, тиббиёт фанлари доктори, профессор, публицист, 2-ўрин — "Олам мўъжизаси остонасида" маърифий-публицистик тўплами учун

Орзиқул Эргашев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, адиб, 3-ўрин — "Шоҳсанам" қиссалар ва ҳикоялар тўплами учун

Рағбатлантирувчи мукофотлар:

Йулдош Эшбек, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир — "Қизғалдоқлар очилди" шеърини тўплами учун

Омонулла Муталов, тарих фанлари номзоди, шоир — "Оламда йўқ, Тошкентдек шаҳар" шеърини тўплами учун

Босма оммавий ахборот воситалари ходимларининг журналистик ишлари бўйича:

"Диниёт" газетаси таҳририяти (Наманган вилояти), 1-ўрин — Юртимизда барча жабҳалардаги туб ижтимоий ислохотларнинг бориши, хусусан, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари, китоб ва китобхонлик тарғиботида оид, барча йўналишларни қамраб олган мақолалар, очерклар, танқидий-таҳлилий материаллар учун

Нодира Абдулаева, "Экология хабарномаси" журнали муҳаррири, 2-ўрин — Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида амалга оширилаётган туб ислохотлар, ёшлар тарбияси, миллий қадриятлар, шунингдек, экологияга оид долзарб муаммолар таҳлилий бағишланган мақола, репортаж ҳамда туркум ижтимоий-маърифий, таҳлилий материаллари учун

Мамуржон Бозоралиев, "Машғал" газетаси муҳбири (Тошкент вилояти), 3-ўрин — Маънавий юксалиш, ўзгичилиш англаси йўлида олиб борилган хайри ишлар, истиқлол ва тинчлик осуда ҳаёт қадри, ҳудудларда амалга оширилаётган кенг қўлланган ислохотлар тўғрисида ҳикоя қилувчи туркум публицистик мақолалари учун

Рағбатлантирувчи мукофотлар:

Эътибор Норбўтаева, "Воҳа" газетаси муҳбири (Қашқадарё вилояти), — Юртимиз қиёфаси тобора очилиб бораётгани, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, таълим-тарбия, илм-фан, маданият соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сийосати мазмун-моҳиятини тасвиринг акс эттирувчи мақолалари учун

Вазира Иброҳимова, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси муҳбири — "Фидоийинг бўлаёмиз сени, Ўзбекистон!" деган бош ғояни ўзида мужассам этган туркум мақолалари учун

Телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари бўйича:

Назира Боймуродова, "Маданият ва маърифат" телеканали давлат унитар корхонаси "Ахборот-таҳлилий дастурлар" муҳарририятининг 1-тоифали муҳаррири, 1-ўрин — Юртимизда миллиятларга тотувчилик ва диний бағрикенгликни таъминлашга қаратилган кенг қўлланган ишларнинг амалий самарасини маҳорат билан ифодалаган "Бағрикенг диёр" туркум кўрсатувлари учун

Шарофат Маҳмудова, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ахборот маркази муҳбири, 2-ўрин — Ахборот лавҳалари, информация дастурларида мустақиллик ғоясини аниқ акс эттиришни, шунингдек, кўтаришган мавзуларнинг долзарблиги, уларда юртимиз ҳолисининг яшаш шартини янада яхшилаш, ёшлар ўртасида китоб ва китобхонлик тарғиботида бағишланган туркум кўрсатувлари учун

Дониёр Искандаров, "Ўзбекистон" радиоканалининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича муҳбири, 3-ўрин — Қорақалпоғистоннинг ўзига хослиги, овул ва қишлоқлар ҳаёти, уларда яратилаётган шароит, улуг бунёдкорлик ишлари, урф-одатлари ва анъаналарини кенг ёритувчи эшиттиришлари учун

Рағбатлантирувчи мукофотлар:

Шаҳноза Мирҳолдорова, "Менинг юртим-5" телеканали муҳбири — Туркум репортажларида мамлакатимизда ҳужм сураётган тинчлик-осойишталик, чегараларимиз дахлсизлигини асраш, Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини кучайтириш борасида амалга оширилаётган ишларни, доимо озоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашни, шунингдек, олиб бораётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар мазмун-моҳиятини кенг ёритганлиги учун

Нодира Холмирзаева, Навоий вилояти телерадиокомпанияси ходими — 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишини бўйича Харакатлар стратегияси ҳамда "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда тайёрланган танқидий-таҳлилий телекўрсатувлари учун

Тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари бўйича:

Санжар Мамутов, Хоразм вилояти "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси дизайнери, 1-ўрин — Мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, халқимиз қўлга киритаётган ютуқлар, "Фидоийинг бўлаёмиз сени, Ўзбекистон!" мавзусидаги туркум дизайн ишлари учун

Зиёдулла Фармонов, рангтасвирчи рассом (Қашқадарё вилояти), 2-ўрин — "Гиламчи аёллар", "Жейноили аёл", "Момо ва набира" туркум асарлари учун

Наврўз Норбобоев, "Соғлом авлод" газетаси фотомуҳбири, 3-ўрин — "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурининг жойлардаги ижросига оид туркум бадний-ижтимоий фотосуратлари учун

Рағбатлантирувчи мукофотлар:

Алишер Ҳамдамов, рангтасвирчи рассом (Фарғона вилояти) — "Табият манзаралари", "Ранглар жилоси", "Хумсон", "Қишнинг сўнги кунлари" туркум асарлари учун

Темуриаллик Абдулаев, дизайнер (Андижон вилояти) — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 26 йиллигига бағишланган дизайн ишлари учун

Кино санъати асарлари бўйича:

Бахтиёр Мадияров, "Қорақалпоқфильм" киностудияси директори (Қорақалпоғистон Республикаси), 1-ўрин — "Қорақалпоқфильм" киностудиясида тайёрланган "Пойтахт шаҳрим — Нукусим", "Балиқчи" номли ҳужжатли фильмлари сценарийси учун

Бахриддин Айназаров, "Ўзбекфильм" киностудияси режиссёри, 2-ўрин — "Мавсум" бадний фильмидаги иккинчи режиссёрлик иши учун

Дониёр Шокиров, Ўзбекистон Республикаси илмий-оммабон ва ҳужжатли фильмлар киностудияси режиссёри, 3-ўрин — "Хотира — муқаддас китоб", "Ҳақ йўли, албатта, бир ўтилгуси" ҳужжатли фильмларидаги режиссёрлик иши учун

Рағбатлантирувчи мукофотлар:

Тимур Сулейн, "Ўзбекфильм" киностудияси монтажчиси — "Ҳазонрезе" бадний фильмидаги монтаж иши учун

Феруза Саидова, киноактриса — "Дадам бетоб" бадний фильмидаги бош рол ижроси учун



МАКТАБ БОЗОРИ: Кимга фойда, кимга зарар?

АҲВОЛ

Шу кунларда мактаб ярмаркалари иш бошлаганида хабар топдиму, ўғлимни етаклаб пойтахтимиздаги Фарҳод бозорига йўл олдим. Мактаб ярмаркасида сотилаётган муқовасида машҳур футболчилару, автомобиллар суратлари туширилган дафтарларни кўриб, ўғлимнинг қувончи ичига сиймай кетди. Мен учун эса биринчи галда уларнинг сифати ва нархи муҳим.

Оладганимизни танлаб сотувчига юзландик. У мулоимлик билан: "Синглим, терминалдами ёки нақд" деб сўради. Эл қатори ойлигимнинг асосий қисми пластикда бўлгандан кейин жавобимиз тушунарли. Сотувчи ҳисоблагични қўлга олиб чўтлай кетди. Аммо бу биз мўлжаллаган суммадан анча кўпроқ эди. "Отанг бозор, онанг бозор деган гап бор. Бироз тушинг, ака", дедик. Аммо акамиз ҳеч иложи йўқлигини, терминалда савдолашмаслиги, айрилган нархда сотилишини, агар пулимиз нақд бўлганида арзонроқ беришини маълум қилди...

Алқисса, август ойининг жазирама кунларининг бирида қуёш тифида тобланиб, уйга қайтарканмиз, ўғлимнинг гапидан сергак тордим: "Ойи, ўзимнинг супермаркетда дафтар арзонроқ". "Ие, маҳмадона-ей! Элинг оғирини енгил қилайлик, нарх-навоси арзонроқ бўлсин" деб мактаб бозорлари очиб қўйилдибу, сенинг гапингни қара!" Шундай деб, уйга кириб кетмоқчи эдим, аммо ақд ёшда эмас, бошла деганларидек, "Шу бола ҳам билмас гапирмас-ов" дея, хонадонимизга яқин "Еуго Bekeyu" супермаркетга кирдим. Қуёш тифида обдон тобланиб, бозор айлангандан кейин салқингина жойга кирсанг бахриддининг очилиб кетаркан. Муздекина сувдан олиб, сотувчи қиздан биз талашиб-тортишиб, 2200 сўмдан олган дафтарнинг нархини сўрадим. Ичимда "билиб қўй, ҳозир камида 3000 дейди" деб ўғлимга қараб турибман. Аммо жавобдан мен эмас, ўғлим гердайиб қўйди: 2000 сўм. Боз устига нақдми, терминалми дея бошингизни ҳам ҳеч ким оғритмайди.

Халқ манфаати учун республика бўйича 1350 та мактаб бозори очилди. Аммо мутасадди идоралар нарх-навосидан ҳам хабардор бўлиб туришса, нур устига нур бўларди. "Уч-тўрт сўм бўлса-да, арзонроқ оларман", деган халфа ҳам йўлқирага қуйиб, ҳам иссиқда лимоник бозор орасангу, зарур нарсаларни қиммат сотиб олсанг? Ёки "бу ярмаркалар фақатгина нақд пули борлар учун хизмат қилади, ойлиги пластикка тушадидагиларга мўлжалланмаган", дея пештоқига ёзиб қўйишса, бунча оворарчиликлар бўлмасмиди?

Ситора ТОЖИДДИНОВА, журналист

# МАКТАБЛАР ТАЙЁРМИ?



## Халқ таълими вазирлигининг таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси бошлиғи Дилшод КЕНЖАЕВ билан суҳбат

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сонли қарори билан ҳудудий ҳокимликлар қoшида “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниялари ташкил этилган. Мазкур компаниялар зиммасига таълим объектиларида амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш ишлари учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, уларни давлат экспертизадан ўтказиш, пулратчи ташкилотларини ташкил этиш учун тендер савдолари ўтказиш, қурилиш таъмирлаш жараёнида техник назорат олиб бориш каби вазифалар юклатилган.

Ҳар йили Инвестиция дастури доирасида қурилиш-тиклаш ишлари амалга ошириладиган таълим объектилари тендер савдоларида қолиб чиққан пулратчи ташкилотларга топширилади.

Таълим объектиларида лойиҳа смета ҳужжатларида кўрсатилган қурилиш-тиклаш ишларининг тўлиқ бажарилишини таъминлаш мақсадида, жойларда жамоатчилик комиссиялари ташкил этилган.

Республикамизда барча умумтаълим мактаблари тоза ичимлик суви билан таъминланган бўлиб, шундан 900 та ситга ичимлик суви транспорт воситалари орқали ташиб келинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 июлдаги “Республикада кўмир брикетлари ишлаб чиқариш ва сотишни комплекс ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 177-сонли қарори қабул қилинган.

Унга қўра, АЖ “Ўзбеккўмир” корхонасининг республикамизнинг барча ҳудудларида дистрибуторлик марказлари ва уларнинг филиаллари ташкил этилиб, улар томонидан таълим муассасаларига сифатли кўмир ва брикет ёқилгиси етказиб бериш йўлга қўйилган ҳамда 2017—2018 ўқув йили учун 200 минг тоннадан ортиқ кўмир ва брикет етказиб бериш режалаштирилган.

Бундан ташқари, жорий йилда таълим муассасаларидаги маънан эскирган қозонларга 4000 дан ортиқ янги энергия тежамкор қозонларга алмаштириш белгиланган.

Шу билан бирга жорий йилда бундай камчиликларга йўл қўймаслик чоралари кўрилган.

— Биламизки, кўпгина хорижий мамлакатларда ўн икки йиллик таълим тизими жорий этилган. Агар мактабларимиз ўн бир йиллик ўқув тизимига эга бўлса, бу амалиёт халқаро стандартларига қай даражада жавоб бера олади?

— Бугунги кунда илм-фан, техника ва технологиянинг ривожланиш талабларидан келиб чиққан ҳолда 10-, 11-синф ўқувчиларига умумтаълим фанларини ўқитишнинг принципаи янги ёндашуви сифатида — эгалланган билимларни амалиётга қўлай олишга йўналтирилган методика амалиётга жорий этилади.

Бунинг учун 7-синфдан бошлаб ўқувчиларнинг қизиқиш ва қобилиятларидан келиб чиққан ҳолда ихтисослаштирилган мактаблар, айниқса, ихтисослаштирилган синфлар тармоғи кенгайтирилади. Масалан, бир мактабнинг ўзида 3 та параллел синф мавжуд бўлса, уларнинг биттасини аниқ фанларга яна биттасини табиий фанларга ихтисослаштириш мумкин. Бунда ўқувчиларнинг интеллектуал потенциалдан келиб чиқиб уларга индивидуал ёндашуви жорий этилади.

Ўқувчиларнинг келажак ҳаётида касб-ҳунарга бўлган эҳтиёжни қондириш, касбий билим ва кўникмаларини шакллантириш, республика иқтисодиёти тармоқлари учун зарур мутахассисларни тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун махсус чуқурлаштирилган тайёрларликни талаб этмайди диган касблар берадиган ўқув ишлаб чиқариш жамуалари ташкил этилади.

Ўқувчилар мактабларнинг 11-синфини тугатгандан сўнг олий таълим муассасасида ўқишини давом эттириш ҳуқуқига эга бўлади. Агар олий таълим муассасасига ўқишга қира олмаса ёки ўқишни хоҳламаса, меҳнат бозоридagi оддий касбларда ишлаш ёки мураккаб касблар бўйича коллежларда 1-2 йил ўқиб ўз ўрнини топиш имконияти берилган.

“Hurriyat” мухбири  
Адиба УМИРОВА суҳбатлашди.

# КАМАРБАСТА БЎЛАЙЛИК!

## ►ФИКР

Яқинда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Республикамиз маданият намоёндалари билан ўтказган видеоселектор йиғилишида мен ҳам қатнашдим. Бу мулоқотдан шу дамгача олган билим ва кўникмаларимдан кўра кўпроқ сабоқ олдим десам, муболаға қилмаган бўламан.

Қарий олти соатлик мулоқотда Юртбошимиз халқимиз эҳтиёжига доир бирорта соҳани қолдирмай, эътиборини эртанги турмуш-тарзини янада яхшилашга қаратиб, халқимиз қалбидagi дард-аламларни топиб, ошқора гапирди.

Ислохотлар аллақачон ўз ижобий натижасини кўрсата бошлади. Хусусан, тиббиёт соҳасида сезиларли даражада ўзгариш бўлаётди. Кексаларга, ёрдамга муҳтож кишиларга, уруш ва меҳнат фахрийларига кўрсатилган меҳрибонликни дунё ақли кўриб ҳавас қилмоқда...

“Халқ сўзи” газетасининг 2017 йилнинг 12 июль сонидa Россиянинг “Московский комсомолец” газетаси 7 июль сонидa чоп этган Артур Аваковнинг Ўзбекистонда олиб бориладиган ислохотлар хусусида: “Ўзбекистон учинчи дунё мамлакатидан “Осиё ажлари”га айланганга тайёрларлик кўрмоқда” мақоласи эълон қилинди.

Мақолани жуда катта қизиқиш ва ҳайрхоҳлик билан ўқиб чиқдим.

Мақола муаллифи, унда фикр билдирган сийасатчилар ҳам мамлакатимизда олиб бориладиган ислохотлар нақадар тўғри эканлигига ҳолисона баҳо берадилар. Масалан, РФА Шарқшунослик институтининг Марказий Осиё, Кавказ ва Урал-По-

волжени ўрганиш маркази илмий ходими Станислав Притчин ўз фикрини шундай изохлайди: “Мирзиёев мамлакатини тизимли асосда қайта ўзгаришни бошлаганига қараганда, у Исрол Каримовнинг муносиб шоғирди бўлишга, тарихдан талачан ва қатъиятли ислохотчи сифатида жой олишга интилоқда. Консерватив доира вакиллари анча кучли бўлсада, Ўзбекистонда ўзгаришлар жалал амалга оширилмоқда.

Айни вақтда Пекин, Остона ва Москва билан тузилган халқаро битимлар якуни бўйича Ўзбекистон умумий қиймати 50 миллиард долларлик лойиҳаларга эга бўлди. Яқин вақтда ишда ушбу сарможалар республика иқтисодиётини ривожлантиришда ўз амалий таъсирини кўрсата бошлайди.”

Албатта, юртинг ҳақида ўзга юрт вакиллари билан бундай сўз эшитиш ёқимли. Бироқ бу каби эътирофлар, мақтовлар бизни ҳеч ҳам хотиржам қилиб қўймаслигини лозим. Ватан рангаки йилда ҳар биримиз Президентимизга камарбаста бўлсак, халқимиз, давлатимиз олдидаги бурчимизни сиққилдан адо этасаккина қўзлаган марраларимизга эришамиз.

Жаббор ХАЛИЛ,  
Ўзбекистон Ёзувчилар  
юшмаси аъзоси

таълим тизимига жорий этиш мақсадида ҳар йили анъанавий равишда “Халқ таълими тизимига энг яхши веб-сайт” кўрик танлови ўтказиб келинмоқда. Мазкур танловда республикамиздаги барча таълим муассасалари, ўқитувчилар ва халқ таълими тизимига таъкилотлар қатнашади. Жорий йилда ўтказилган танловга “Энг яхши таълим муассасаси веб-сайти”, “Энг яхши ўқитувчи веб-сайти” ва “Халқ таълими тизимига энг яхши таъкилот (муассаса) веб-сайти” номинациялари бўйича 5 мингта яқин сайтлар рўйхати келиб тушди.

— Ҳар янги ўқув йили мавсумида мактаблар капитал таъмирдан чиқарилади. Лектин ярим ўқув йилига бормасдан туриб, яроқсиз ҳолга келиб қолганлари ҳам учраб туради. Кўпгина мактабларда (айниқса, қишлоқларда) ичимлик суви таъминоти йўқлиги боис ўқувчилар суви ташқаридан олиб келишга мажбур бўлади. Ёки кўпгина муаммолар юртимиздаги олис туманлар, қишлоқ жойлардаги мактабларда қиш-қиройи кунларда ишчи аҳоли яхши эмаслигидан келиб чиқди. Бу борада ҳам вазирлик томонидан қатъий чора-тадбирлар ишлаб чиқилганими?


# ХАЛҚ БАҲОСИ — ҲАҚ БАҲО

## ►ХОЛИС НАЗАР

Дунёда ўзини, ўзлигини адабиёт, санъат, маънавият ва маърифатсиз тасаввур қиладиган миллат бўлмас керак. Маърифатли одам дину диёнати, иймон-инсофли, ор-номусли, мард ва фидойи, элпарвару юртпарвар, бағри уммон қадар кенг бўлади. Улар тўғрисида миллий қадриятлар, урф-одат ва анъаналар ривожланади. Миллатнинг миллат халқнинг халқ бўлиши ҳам омманинг ана шундай зиёли қатлами кўп бўлишига боғлиқ.

И нсониятнинг ўз номига муносиб бўлиб, тинч ва аҳил яшаш ҳам айнан ана шу жиҳатларга боғлиқ. Адабиёт, санъат ва ОАВ одамларда мустақил фикрлашни, тенглар ячра тенг яшашни, воқеа-ҳодисаларни чуқур таҳлил қилибгина қолмай, улардан тегишли хулоса чиқариб олишни, ўтмиш сабоқларини унутмаган ҳолда келажак сари ишонч билан дадил интилишни, ютуқлардан ҳаволаниб кетмаслигини, ҳаминиша ва ҳамма жойда алоқалар таяниб иш тутишни, энг муҳими, лоқайд ва бепарво бўлмаслигини ўргатади. Эл-юрт дардига малҳам бўлиб, қувончидан қувониб, уни нури манзиллар томон қорлайдиган кучли адабиёт ва санъатга, маънавият ва маърифатга ҳеч қачон гард юкмайди.

Ўтмаслаштириб, ҳафсаласини пир қилмай қолмади. Ахир, пули бор одам ҳаёлига келганини ёзиб (уни ижодкор деб бўлмайди), бир йилда уч-тўртта китоб чиқараётгани, пули бор “санъаткор” беш-олти сўз қайта-қайта чиналаверадиган “ёндим-куйдим” кўшиқлари билан телеэкрандан тушмай қолгани бор гап-ку!



Шу нуқтани назардан қараганда, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз ижодкор зиёлилари вакиллари билан ўтказган учрашуви, ундан сўнг тегишли фармон, қарорларнинг эълон қилиниши ва ижодий соҳаларнинг ривожланиши учун яратиб берган ҳуқуқий асослари айни мудоао бўлди. Кўпдан кўпдан бу анжуманда Юртбошимиз томонидан кўтарилган бири-биридан долзарб масалалар қалам ақлини ҳам, саҳна жонқурларини зиёлиларни ҳам жиддий ташвишга солиб келётган эди. Ташкилланганидек, чиндан ҳам, кейинги йилларда адабиёт, санъат ва маданиятимизда гоёвий-бадий жиҳатдан саёз асарлар кириб кела бошладик, улар ўқувчининг ҳам, тингловчига томошабинининг ҳам лидини

қўлбола ижодкорларнинг пул ишлаш илинжида чиқарган хом-хатала китоблари дўконларда, яхши асарлар ёзиб, китоб чиқаришга қурби етмайдиган ёзувчи ва шоирларнинг асарлари эса жавонларда ётибди. Агар, яратилган имкониятлардан фойдаланиб, нашриётларимиз халқимиз маънавиятини юксалтирадиган, уни эл-юрт манфаати учун улғувор ишларга қорлайдиган бадий баркамол асарларни чоп этиб, муаллифнинг машаққатли меҳнатини муносиб рағбатлантирса, адабиётдан йироқ бўлган китобларга ўрин қолмайди.

ўртасида “машҳурлик” касали авж олди. Кўшиқлари миллийликдан мулҳоқо узоқ бўлган “истеъдод” соҳибларининг миллати ҳам нотайин қурнишда миллионлар ҳузурда ўстирилган соҳол ва бачкана кийимда чиқишларини ўзларига ўшагандардан бошқа ким ҳуш-лаб, ким олқишлайди дейсиз?

Ҳақиқатдан ҳам ярим яланғоч кийинган санъаткор қизларнинг ҳаё ва ибo кўчасидан ўтмаган кўшиқларно беўхшов лиқиллашларини санъат деб бўлсамиз? Сўзлари ғариб, мусиқаси чала-ярим кўчирилган, ижро маҳорати паст кўшиқлар баҳрам берадиган вақт етишди.

Биз бугун ҳам Комилжон Отаниёзов, Маъмуржон Узоқов, Тамарахоним, Ҳабиба Оқунова, Таваккал Қолиров, Фахриддин Умаров, Ортиқ Отажонов, Шерали Жўраев, Отажон Худойшукров, Камоллидин Раҳимов, Гуломжон Ёқубов сингари халқимизнинг кўшиқ сўзлари, оҳанги ниҳоятда беғубор, тиниқ, жарангдор ва жўшқин. Уларда ажиб бир чирой, санъатга ошуфалигу фидойилик ва айни пайтда ҳис-ҳаяжон тўлқинлари шалододек жилваланиб, кўнгилларга олам-олам завқу шавқ бахш этади. Шунинг учун ҳам бу фильм-концертни ҳар гал ўзгача бир иштиёқ билан томоша қиламиз. Чунки, унда бугуннинг нафаси, бугуннинг ҳарорати балқиб туради.

Фикримча фильм-концертни ўқув асари сифатида санъат билим юртлирида тез-тез намойиш этиб туриш ёш авлодни маданият ва санъатимизнинг миллий анъаналарига садоқат руҳида тарбиялашда муносиб ҳиссаси борилигини таъминлаб туришимиз керак. Ва албатта, бугунги санъаткор қизларимиз Санобардан ибрат олсалар нур устига нур бўлув эди.

номли фильм-концерт фикрмизнинг ёрқин далилидир. Қаранг, ўзбек қизи миллий либосда ўзбекона мала-нати билан диёримизнинг гўзал манзаралари бағрида юзу кўзларидан нур ва табасум ёғилиб куйлаган парвози баланд кўшиқларда қандайдир сеҳр камаладек товланиб турганга ўхшайди. Ёш

Увайсий, Зулфия, Эркин Воҳид ғазалларига мос ва хос куй басталатиб, беш-ўнтагинасини қойиллатиб куйласалар олам гулистон бўлади.

Бир пайтлар биз исм-шарифларини санаб ўтган номдор санъаткорларимиз маҳорат жиҳатдан баландда бўлишларига қарамай, ўз кўшиқларини телерадио ҳузу-

рида фаолият кўрсатган нуфузли бадий кенгашдан ўтказмай тингловчи ва томошабинга тақдим эта олмас эдилар. Хонанда ва чолғучилар кўрсатув олдидан ўтказилган машқларга келмасалар ёки кийиниш маданиятига эътибор қилмай турли хил кўринишда келсалар, эфирга қўйилмас эди. Бу эса телевидение нафақат тарғибот маскани, балки жуда катта тарбия мактаби ҳамдир. Соҳага алоқадор вазифада узоқ муддат ишлаганим учун ҳам бу ҳақда фикр юритаётман.

Едида. Бир кун Ўзбекистон радиосининг овоз ёзиш студияси олдидан ўта туриб, Отажон Худойшукровнинг Жамол Ғазалини куйлаётганини эшитиб, эшик олдида тўхтадим. Кўшиқнинг сўнги мисралари янада баландроқ янграй бошлади:

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, барча замонларда ҳам юксак маҳорат билан куйланган жозибали кўшиқлар халқимиз қалбидан муносиб жой олиб, унинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшиб, олжаноб ишларга илҳомлантирган. Улмас кўшиқ яратган санъаткорлар эса халқнинг ҳурмат-эътиборига меҳр-муҳаббатига мушарраф бўлиб, ҳаминиша эъзозланганлар. Унвон мукофот ордиган қувиб юрган ёш санъаткорларимиз ҳам халқимиз синовидан ўтиб, унинг ҳақиқий эътирофига сазовор бўлсалар, унвон ҳам, мукофот ҳам ўзи келаверади.

Ташкил этиладиган клубларда санъатда мактаб яратган устозлар таклиф этилиб, ютуқ ва камчиликлар таҳлил қилиниб, ёшларга йўл-йўриқ кўрсатилиб, маслаҳатлар берилса, муҳтарам Президентимиз айтган камчиликлар тез орада бартараф этилиб, асл кўшиқчилигимиз анъаналари тикланишига ишонамиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Нуриддин ОЧИЛОВ

## ►БИЛМАГАННИ БИЛГАН ЯХШИ

— Мен Бухоро вилоятида яшайман. Тошкент вилоятида яшовчи қизга уйланимоқчиман. Қайси ФХДБ бўлимига мурожаат қилишим мумкин? Бухоро туманидан И.Ҳомидов.

— Никоҳ тузишни хоҳловчи шахслар бу тўғрисида улардан бирининг яшаш жойидаги ФХДБ органига белгиланган шаклдаги ариза билан мурожаат этган кундан бир ой ўтгач қайд этилади.

Алоҳида ҳолларда, истисно тариқасида (агар ота-онаси ва никоҳланувчи шахслар Ўзбекистон Республикасининг турли ҳудудларида яшаб турган бўлсалар) никоҳланувчи шахслардан бирининг отаси ёки онасининг ёзма аризасига кўра, никоҳ тузилганлиги ота-онанинг ёки улардан бирининг яшаш жойидаги ФХДБ органига қайд этилиши мумкин. Бунда никоҳ тузилганлигини қайд этган ФХДБ органи томонидан никоҳланувчи шахсларнинг яшаб турган жойларидаги ФХДБ архивларига етти кун ичида хабарнома юборилиши лозим. ФХДБ архивлари томонидан тегишли алфавит дафтарига ушбу хабарномалар асосида ёзув киритилади.

Турли вилоятларда (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳрида) яшовчи шахслар ўртасида никоҳ тузилганлиги қайд этилган ҳолларда ҳам мазкур банднинг биринчи хатбосида белгиланган тартибда тегишли ФХДБ архивига хабарнома юборилади.

Никоҳ тузилганлиги қайд этилиши муносабати билан шу куннинг ўзидa никоҳланувчи шахсларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари бу ҳақда белги қўйилди ва уларга қайтариб берилди.

Саволга Зангиота тумани 1-сон ФХДБ бўлими инспектори Гузэл АТАДЖАНОВА жавоб берди.

# НОШИРЛИК – БИЗНЕС ЭМАС,

## балки маънавият-маърифат иши бўлмоғи керак

«Бошланғичи 1-бетда»

Лекин ҳаёт фақат маъмурий чора билан, иш битмаслигини аксинча, нашриётлар фаолиятини мунтазам таҳлил қилиб боришни, соҳани яхши билдирган кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйишни, мутахассисларнинг касбий маҳорати, малака ва тажрибаларини ошириш билан бирга, уларнинг соҳага оид қонун ҳужжатлари, ишлаб чиқариш стандартлари борасидаги билимларини, жамият олдидаги бурч ва масъулиятларини ҳам ошириб боришни тақозо қилмоқда.

Шу сабабли Матбуот ва ахборот агентлиги Президентининг 2017 йил 11 августдаги «Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони билан белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, шубҳасиз, ана шундай нашрларни оммавий ахборот воситалари орқали таҳлил этишни, жамоатчилик ўртасида кенг муҳокама қилишни, уларга услубий ёрдам кўрсатиш, фаолиятига баҳо бериш, ҳамда соҳадagi камчиликларни бартараф этишга ўз ваколатларидан фойдаланади.

Шу кунга қадар бу каби жараёнлар фақат йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш чораларини кўриш юзасидан киритиб борадиган «Тақдимономалари» ҳам «Қўрсатмалари» билан чекланиб келинган эди. Йилга ўнлаб шундай тақдимономалар киритилса-да, камчиликлар барҳам топмади, неча йиллардан бери нашриётларнинг бири содир этган хатони иккинчиси такрорлашда давом этмоқда. Бунинг боиси, мазкур тақдимономаларнинг мазмуни билан фақат ушбу хатоларга йўл қўйган нашриётнинг ўзини танишди, нашриётга жавобгар мутасадди хатони астойдил тан олиб, тузатса, тузатади ёки бўлмаса, Агентликка, «тақдимонома ижодий жамоада муҳокама қилинган-ю, унда таҳқиқ қилинган китобларни нашр этилишига ўз ишга масъулиятсизлик билан қараган ходимларга интизомий чора қўлланилгани тўғрисида» силлиқчи-

на жавоб хати юбориб, қутулади-қўяди. Шу билан тақдимономанинг таъсир кучи ҳам, ижтимоий-амалий аҳамияти ҳам тугайди. Лекин биргина оғоҳлантириш ёки ҳайфсан билан, ҳаттоки, билими, савияси талаб даражасида бўлмаган муҳаррир ва мусоҳҳиҳ билан тузилган шартномани бекор қилиш билан ҳам, нашриётдаги асосий масала ҳал бўлиб қолмаслигини, йўл қўйилётган камчиликларни таг-туби билан бартараф этиб бўлмаслигини амалдаги тажрибамиз исбот қилди.

Агар нашриётлар фаолияти бўйича киритиладиган тақдимономаларга диққат қаратилдиган бўлса, уларнинг аксариятида бир хил турдаги хатолар кўзга ташланади. Биринчи галда бу нашриётлар ўз лицензияси билан белгилаб берилган йўналишлардан четга чиқишида, ўзи ихтисослашмаган, мутахассисларга эга бўлмаган соҳаларига қўл уришида намоён бўлади. Масалан, тиббиётга оид, ёки диний йўналишдаги китобларни, ҳуқуқий-юридик адабиётларни, ўқув адабиётлари, монографиялар, энциклопедик адабиётларни нашр этиш ваколати бўлмагани ҳолда шундай адабиётларни нашр этилиши қайд этилади. Ҳолбуки, нашриётлардан уларнинг ноширлик фаолияти бўйича берилган лицензиясида кўрсатилган йўналишларни қамраб олиши талаб этилади.

Мисол тариқасида энг сўнгги тақдимономалардан айримларига мурожаат қилайлик. «Қорақалпоғистон» нашриётида чоп этилган «Мениң эйемги Қарақалпоқстаным» китобининг 4-, 5-, 6-, 11-бетларида диний китоблардан олинган **Нух пайгамбарнинг кемаси, Яратувчининг олами яратилди. Нух пайгамбарнинг авлодлари** ҳақида маълумотлар берилган. Маълумотлар қайси диний манбадан олингани аниқ кўрсатилмаган. Фақат китобнинг 13-бетиде: «**Жаҳон цивилизацияси тарихида бу замонларда одамод деҳқончиликнинг ёмғир сувига кўкариб чиқадиган туридан сугорилиб экиладиган турига ва экинларнинг тубига кетмон билан шилов берилди усуллари, чорвачиликда**

эса ёввойи ҳайвонларни қўлга ўргатиш, кўчманчи ҳаёт тарзига ўтганга, илк ёзув-чиқишлар, қуддорлик (Яқин Шарқ, Хитой, Шимолий Америка) пайдо бўлган даврлар эди. Масалан, ҳозирги монотеистлик-ислом, христиан ва иудей динларининг муқаддас китобларига асос солан «Таврот» (иеритте-Тора, христианларда «Ветхий Завет» ёки «Моисейнинг Беш китоби») ривоятлар туркуми муаллифи — Мусо пайгамбар (Моше Абрам, пророк Моисей) диншунос олимлар таъминича, милоддан аввалги 1200 йилларда яшаган», деган чалқаш маълумотлар берилган.


48-бетда Турк хоқонлигининг Тангричилик дини ва унга эътиқод қилиш урф-одатлари ҳақида сўз юритилган. Бундан ташқари, китобнинг 60–65-бетларида маъжусийлик дини ҳақида асл манбалари номаълум маълумотлар тақдим этилган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ноширлик фаолиятини лицензиялаш комиссияси томонидан «Қорақалпоғистон» нашриётига берилган лицензияда ҳамда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ва «Қорақалпоғистон» нашриёти ўртасида имзоланган «Ноширлик фаолиятини амалга ошириш тўғрисида»ги лицензия шартномасида бандий, ўқув адабиётлар, луғатлар, илмий-оммабон адабиётлар, альбомлар, бланкалар, афишалар, таклифномалар нашр этиш ҳуқуқи берилган. Бироқ лицензияда нашриётнинг диний йўналишдаги адабиётларни нашр этиш ҳуқуқи белгиланмаган.

Республика Ақлия вазирлигида 2006 йил 14 апрелда 1561-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг 2006 йил 15 мартдаги 29-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Нашрларни чоп этиш қоидалари»нинг 6-банди талабларига мувофиқ, диний хусусиятга эга бўлган босма асарларни нашр этишга доир буйруқлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитада экспертизадан

ўтказилиши керак. Бироқ «Мениң эйемги Қарақалпоқстаным» китобиде унинг Дин ишлари бўйича қўмитада экспертизадан ўтказилгани ва қўмитадан хулоса олингани қайд этилмаган.

Нашриётлар томонидан йўл қўйилётган яна бир хатolik бу китобларда ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш билан боғлиқдир.



Масалан: «Қашқадарё кўзгуси ОАВ» нашриётида чоп этилган Х.Эшимов муаллифилигидаги «Умр манзаралари» номи китобдан урин олган «Тарих – жамият кўзгуси» сарлавҳали материалда: «**Ҳадис илмининг улғу билимдони Абу Бухорийнинг тўрт минг ҳадисини ёлдан билиши инсон маънавияти юксалишининг амалдаги кўринишларидир**» — дея нотўғри маълумот берилган. Аслида, Имом ал-Бухорий жами 600 мингга яқин ҳадис тўплаган бўлиб, шундан 100 минг «сахих» ва 200 минг «райри сахих» ҳадисини ёлдан билган (манба: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2-жилд, 279-бет).

Айни шу нашриёт ўқувчилар ҳукмига тақдим этган Н.Даврон муаллифилигидаги «Тарих сув» китобиде чоп этилган «Нафиснинг жанрандор овозига қасида» сарлавҳали материалда: «**2012–2016 йиллари Қарши давлат педагогика университетида таҳсил қўриб**», дея нотўғри маълумот тарқатилган. Аслида, бу урин-да Қарши давлат университети деб ёзилиши лозим эди. Чунки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 28 февралдаги «Республиканинг янги

олий ўқув юрларини ташкил қилиш тўғрисида»ги фармони билан Х.Олимжон номидаги Қарши давлат педагогика институтини негизда Қарши давлат университети ташкил этилган.

«Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 7-моддаси талабларига кўра, тарқатилаётган ахборот ҳаққоний бўлиши ке-

рақ. Юқорида келтирилган ҳолатларда ушбу қонун талаблари бузилган.

«Иқтисод-молия» нашриётида нашр этилган «Ўзбекистон тарихи» китобининг 308-бетиде: ўзбекистонликларнинг Иккинчи жаҳон урушида кўрсатган мардлиги ва жасорати ҳақида сўз юритилиб, «**32 нафар ўзбекистонлик жангчи ушбу даражадаги «Шуҳрат» ордени билан мукофотланди**», дея нотўғри маълумот тарқатилган. Аслида, Иккинчи жаҳон урушида кўрсатган мардлиги ва жасорати учун 82 нафар ўзбекистонлик жангчи ушбу даражадаги «Шуҳрат» ордени билан мукофотланган (манба: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 12-жилд, 178-бет).

Худди шу китобнинг 362-бетиде: «**Давлат маънавиятининг муаллифи ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, муҳаббатси Ўзбекистон халқ бастакори Мутаал Бурҳонов томонидан тайёрланган**», дея нотўғри маълумот берилган. Аслида, мамлакатимизда «Ўзбекистон халқ бастакори» унвони мавжуд эмас, шу боис китобда «Ўзбекистон халқ артисти» деб берилиши лозим эди.

401-бетда: «**Республикада 17 диний конфессия рўйхатга**

олинган ва расман фаолият кўрсатмоқда», дея нотўғри маълумот берилган. Аслида, айни пайтда республикамизда 16 та диний конфессия давлат рўйхатидан ўтказилган (манба: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг расмий веб-сайти — religion.uz).

Афсуски, бу каби мисолларни яна ва яна давом эттириш мумкин. Ушбу китобларнинг бевосита таълим жараёнига дахлдорлиги, уларда йўл қўйилган хатоларнинг салбий таъсирини янада ошириши шубҳасиз.

Шу билан бирга, энг ачинарлиси, айрим нашриётлар соҳага оид стандарт талабларининг ҳам бузилишига йўл қўймоқдалар.

«Иқтисод-молия» нашриётида чоп этилган «Ўзбекистон тарихи», «Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби: назария ва амалиёт», «Автомобиль йўлларидеги сув ўтказувчи иншоотларни лойиҳалашда сув ва сел тошқинларининг тавсифларини ҳисоблаш», «Муҳандислик геодезияси», «Иқтисодиёт назарияси», «Деҳқон ва фермер ҳужакилари иқтисодиёти» китобларида таснифловчи индекслар УДК, ББК тарзида ёки УЎК, ББК тарзида нотўғри кўрсатилган. О'зДСт 2317:2012. Нашрлар. Чиқиш маълумотлари 4.10-банди талабларига кўра, классификация индекслари китобларга УЎК ва

КБК шаклида қўйилиши лозим.

«Ўзбекистон тарихи» китобиде муаллиф ҳуқуқининг ҳимоя белгиси (©) қўйилмаган. Бу ҳолат О'зДСт 2317:2012. Нашрлар. Чиқиш маълумотлари (4.1-банд) талабларига зид бўлиши билан бирга Ўзбекистон Республикасининг «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонунига ҳам хилофдир.

Китобларнинг ким учундир аҳамиятсиздек туюлувчи чиқиш маълумотларининг нотўғри берилиши, уларда муаллифлик ҳуқуқларининг қайд этилмалиги, илмо хатолари билан нашр этилиши каби ҳолатлар ҳам шунчаки камчилик эмас, балки амалдаги Ўзбекистон Республикаси «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонуни 7-моддаси, «Давлат тили ҳақида»ги қонунининг 7-моддасини бузиши, Ўзбекистон Республикаси «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни 19-моддасига риоя этмаслик, сифатида баҳоланиши билмоғи шарт.

Бугун нашриётларда фаолият юритувчи ҳар бир ижодий ходимдан, муҳаррирдан талаб қилинаётган жиҳат нафақат чуқур билим, касбий малака ёки маҳоратга эга бўлиш, балки соҳага оид қонунчилик асосларини чуқур билишдан ва уларга қатъий риоя этишдан ҳам иборатдир.

Бир сўз билан айтганда, айни кунда ноширликка бел боғлаб, бу соҳада шиж яратилган ҳар масъул шахс, мутаассадилардан ноширлик ишга бизнес деб эмас, балки чин маънодаги маърифат ва маънавият тарғиботи сифатида муносабатда бўлиш, бу касбнинг асл моҳиятидан, ноширлик – зиёкорлик илму маърифат тарқатиш эканлигиндан келиб чиқиб, фаолият юритиш талаб этилади. Бошқача йўл бўлиши мумкин эмас. Агентлик бундан кейин, нашриётларга киритилаётган тақдимономаларни кенг жамоатчилик ҳукмига ҳавола этиб бориш билан бирга, мазкур хатоларни тузатишга шожилмаётган, соҳага оид қонун ҳужжатларига риоя қилмаётган нашриётларни ноширлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш юзасидан ваколатли комиссияга белгиланган тартибда хулосалар бериб боришни таъкидлаш жоиз. Зеро, биз бугун ҳуқуқий демократик жамиятда яшапмиз ва бу жамиятнинг бош тамойили барча соҳаларда қонун устуворлигини таъминлашдан иборатдир.

**Муҳиддин ОМОНОВ,**  
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ОАВ ва нашриётлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўшқармаси бош муҳаррири

## Қуёш ҳузурига йўл

## Икки гарё оралиғида

Юртимизнинг ҳар бир гўшасида кўплаб тарихий обидалар, мадрасалар, муқаддас қадамжолар ва истироҳат боғларини учратиш мумкин. Ҳар бири неча минг йиллик тарихга эга. Асрлар давомида жаҳонни ҳайратга солиб келган маънавий бойликларимизни асраб-авайлаш, уларни асл ҳолида келажак авлодга етказиш ҳаммамизнинг бурчимиз.

Яқинда таниқли ижодкор Хумоюн Акбарнинг «Mashhur press» нашриётида чоп этилган «Қуёш ҳузурига йўл олган қарвон» номи тўплами миллий анъаналаримиз, қадриятларимизни тиклашда муҳим аҳамият касб этади. Адабий-тарихий ёдгорликларни ўша давр хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ўрганиш ва маданиятимизни бойитишга ҳисса қўйиш ҳар бир ижодкорга катта масъулият юклайди. Мазкур тўплам сўзбошисиде Саййид таъкидлаганидек: «**Публицистик мақолалар ёзиш, ижтимоий жараённинг энг керакли гапини айта олиш осон эмас. Бунинг шеърӣ сатрлар кўтара олмайдиан залворли юки бор.**

Муаллиф Ватан тарихини ўрганишни тарихий обидаларимизни зиёрат қилишдан бошлаб, ҳар бир мақоласида Бухоро мадрасалари, Урганч қадамжолари, Оксарой, Регистон, Сурхондаги қадимий шарҳларнинг замонавий қиёфасини маҳорат билан тасвирлайди. Хумоюн Акбар «Амударё бўйлариде» номи очеркида: «**Бизнинг заманимиз очилиб ётган китобдай, уни ўқий олиш керак. Амударё соҳилида Кампиртепа, Ақшахон қалъа каби не-не маънавий хазиналар қум остида ётгандир. Буюқ тарихимиз бор, хали ўрганилмаган маконларимиз кўп...**», дея қорақалпоқ заминини «очик осон остидаги музей»га ўхшатади. Яна бир ижодий сафариде

бахшилар сози ва овозида: *Ез бўлса, яйловим Аму ёқаси, Мен бўлман Бойсун* —

— дея ўзини таништирган Алпомниш ватанига йўл олиб, ҳали ўнлаб Термизийларнинг ижодий ўрганилишини кутиб ётганини эслаб ўтади. Муаллиф Амир Темур бобомиздан қолган тарихий ёдгорликларни ўрганиш мақсадида Шаҳрисабзда бир неча кун меҳмон бўлиб, Соҳибқирон фаолияти билан боғлиқ археологик қазилмалардан тортиб, илмий, ижодий ишларга қўздан кечиради. Улғу аждоғларимизнинг тарихий мероси уни улғу салтанатнинг пойтахти Самарқандга бошлаб боради. Шердор, Улғубек мадрасаларининг ўзига хос кошчилари, бе-зақлари, нақшинкор пештоқлари, улкан гумбазларини ноидир ёдгорлик сифатида қаламга олади. Самарқандда ўтказилган халққаро илмий конференциялар ҳақида алоҳида тўхталиб, Шарқ алломаларининг ижодини ширқковлик билан ўрганишга киришади: «**... Буюқ бобомиз Махмуд аз-Замашарий араб тилининг сарф ва наҳв илми (грамматикаси)ни ишлаб чиқди. Буни араб халқлари чуқур эҳтиром билан тилига олишади. Фарғоний эса Нил дарёси сувини улчаш учун махсус асбоб — Миқёси Нил (ниломер)ни яратди. Мисрликлар Фарғонийни энг буюқ олимлар қаторида ҳурмат билан эътироф этадилар. Буюқ бобоконимизнинг «Астрономия асослари» ном-**

### ► ПУБЛИЦИСТ КИТОБ ЖАВОНИГА




ли асари XII асрда лотин ва иврит тилларига таржима қилинган, кейинчалик Италия, Германия, Франция, Голландия ва АҚШ каби кўплаб мамлакатларда қайта-қайта чоп этилгани ҳам унинг илмий мероси нақадар улкан аҳамият касб этганини кўрсатади», — дейди эсселарининг бирида.

Муаллиф волиёга сафарга отланади. Боғишамолдаги адирда Кобул шаҳридаги «Боги Бобур»га монанд бўлиб этилган «Бобур миллий боғи»даги ёдгорлик мажмуасидан илҳомланиб, бир туркум мақолалар ёзади. Унда турли ноёб китоблар, Бобур асарларининг кўлэмалари, хусусан, «Хатги Бобурий»да Бобур ўз қўли билан кўчирган Куръони Карим нусхалари, Бобур даври қурул-асоҳалари, сарой аҳли кийимлари, бобурийлар зарб қилган тангалар ва бошқа топилмалар ҳақида китобхонларга кенг маълумот беради. Тўпламда Ватан тарихини билишимиз учун муҳим бўлган «Тошкентдан таралган нур», «Куллар салтанати», «Қува», «Ахсиқент» каби шундай тарихий материаллар ҳам борки, бу кейинги таҳқиқотлар ва ижодий ишларга бемалол илмий асос бўла олади.

Қорақалпоқ халқи билан бизни дўстликдан яқин туйғулар боғлаб туради. Бир ўзақдан ясалган сўзларимиз кўп. Тилимиз, адабиётимиз, миллий анъаналаримиз бир-бири билан шунчалик боғланганки, шу ягона Ватан ҳаммамиз учун муқаддас ҳисобланади.

Таниқли адиб Урозбой Абдурахмоновнинг ҳали буюк ҳиди кетиб улгурмаган «Орол қандай қуриди» номи китобини қўлга олиб, Орол денгизини бугунги аҳоли қўз олдида намоён бўлди. Хўш, Оролни ким қуритди? Чайқалсан, тошсан, соҳилнингдан ошсан, деб мақтанган шоирларми? Экологик муҳитни ҳар ёқасида келтириб қўйган шўр давридаги пахта яккахоқимлигимиз? Ёзувчи кўмга чўкиб қолган кемалар, тўқай бўлиб ётган қалъалардан бунга жавоб изларкан, қалбини ўртаган боғалик хотираларини ёлға олади: «**Болалгимизда кўп эртак тинглаган эдим. Ушалардан бириде дев улкан оловни ўчириш учун денгизнинг сувини хўллаб ўтса пурқайди, денгиз қуриди. Яна бир эртакда бир дев денгизнинг сувини ичиб қўйиб, гулистонни чўлқиниб айлантиради. Бу эртакларни эшитган болалар девдан қўрқиб эди. Буюқ адабиёт муаллими: «Неза қўрқасиз, бу бир ҳайлий галлар» деса, жуғрофия муаллими: «Эртагини ёлғон, денгизнинг сувини минг дев ичгани билан тугемайди. Чунки дарёлар денгизни тўдириб туради. Масалан, Волега Каспийга, Амударё билан Сирдарё Оролга қўйлаверади», — дерди. Бизлар девдан қўрқмайдиан икки муаллимимизни яхши кўрар эдик». Мазкур тўпламда муаллиф ўз қўли билан қўрган, юрагини**



дан ўтказган воқеа-ҳодисалар билан танишиб, унинг ижодий илҳом баҳш этган, қалбини тўлқинлантирган сеҳри куч — ана шу Орол эканига иқдор бўлмай. Ёзувчи Оролнинг қуришига олиб келган муаммоларни катта жасорат билан кўтариб, китобнинг олдида яна ўша саволни қўндалаган қўяди: «**Оролни ким қуритди?.. Мен, сен, хуллас... ҳар биримизнинг денгизни қуритишида ўз ишчимиз бор. Бўз ерларни улаштиришда кўз олдимизда байроқдорга берилмаган энгил машина ёки давлат мукофоти турди, бироқ тоза сувни тежаб сарфлаш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмади. Бунинг устисега Аму билан Сирнинг сувини талон-торож қилишда на инсоф, на чеку чеара бўлди! Ҳар ким ўз истаганидан ҳам кўпроқ сув олишга ҳаракат қилди. Натияжада, ўзбек ёзувчиси Тоғай Муроднинг «Қўшиқ» қиссасидаги ўз булогига ўзи таҳорат қилиб юрган Оруз, Турсилар қўйиб кетди...»**

Урозбой Абдурахмонов ҳар бир мақоласида Орол ўтмиши, бугунги ва келажак билан курашиб яшаётган қаҳрамонларнинг ташвиши, муаммоларни, қалбида келадиган изтиробларни жонли мисоллар асосида акс эттириб, Қорақалпоғистон табияти, ороли ва тўқайларини асраб қўлишга интилади.

«Балиқнинг тили йўқ» мақоласида ҳам «Орол денгизини қайтадан тиклаб, балиқчилик ҳўжаллигини ривожлан-

тилни тарс ёрайдан даражада ширин...», дея ҳаммани алдидик. Мана, оқибатда Орол қуриб бормоқда...», дейди аччиқ киноя билан ёзувчи. Тўпламдан «Оролқумдан Қорақумга», «Оролдан умид бор», «Орол чоллари», «Устюрт достони» каби кўплаб илмий мақолалар ўрин олган. Тили содда, равои, бир ўқишдаёқ қалбингизни тўлқинлантириб юборади. Ушбу тўплам алоҳида илмий таҳқиққа лойиқ. Хулоса ўрнида, ёш журналистларимиз учун муаллифнинг «Қўл ва чол» мақоласидан бир шингил келтириб ўтишни ўринли билдик.

— Ота, бу Устюртда илгари давлар ялаганими?  
— Ҳа, яшаган. Мана, мен Устюртда тулганман, отам ҳам, бобом ҳам Устюртда тулган. Устюртда қазо топган. Ҳов, ана, Жарин қудуқчи биласаними, уша водийликдаги мазорда менинг олтинчи авлоддан айланган бобом Бердиқўл ётибди. Бошига катта гўмбаз қўйилган... айтмоқчи, сен қай боласан, ўзинг?  
— Мен Нукусдаги болалар газетаси муҳбириман.  
— Устюртда қариндош-уруғинг борми?  
— Йўқ...  
— Устюртда нима қилсан?  
— Устюртда олти миллионга етай-етай деб турибди, газимиз Европани иситаётди, халқимизнинг турмуш даражаси шу қадар ўсдики, бунга вақтимизда эрмак тополмай, Андиёр ва Архангельскдаги одамларга қовун-тарвуз сотиб юрибмиз. Бизда емишининг кўпчилиги учунки, сўнгги йилларда тарвуз-қовун пўчогини сиецга берсан, бурнини жи-йўрмайдиган одат чиқарди... Оролимиз мавжланиб турибди, бир келиб дам олиб кетинг. Қонуни билан балғи

Адиба УМИРОВА...

# ХУКУҚНИНГ 26 СОЛНОМАСИ

## ШАРҲ ҲУҚУҚНИНГ 26 СОЛНОМАСИ

1991 йил 31 август куни Биринчи Президентимиз Ислам Каримов мамлакат Олий Кенгашининг олтинчи сессиясида мамлакатимиз мустақиллигини тантанали равишда эълон қилган эди. Шу куннинг ўзида Республика Олий Кенгаши Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик декларациясига ва Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Баёнотга асосланиб, "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги қонунини қабул қилди.

Расман тасдиқлаган ушбу қонунда Ўзбекистон Республикаси ўз таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси билан бирга мустақил, демократик давлат эканлиги, Ўзбекистон Республикасининг халқи суверендир ва у республикада давлат ҳокимиятининг бирдан-бир соҳибидир, у ўз ҳокимиятини ҳам бевосита, ҳам вакиллик идоралари тизими орқали амалга ошириши белгилаб қўйилди.

Жаҳон таърибаси шундан далолат берадики, ўз давлатчилигини қўлга киритиш, миллий, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий озодликка эришиш ҳеч қачонда энгил ва осонликча бўлмаган эмас. Ушбу ҳақиқат Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эришишига ҳам бевосита тегишли.

Ўтган асрнинг 90-йиллари назар солидиган бўлсак, ўша оғир йилларда кескин муаммолар гирдобига қолган Ўзбекистон, қолаверса, совет давлати ҳали ўзининг мустақиллик ҳисобидан воз кечмаган бир пайтда, Ислам Каримов бошчилигида Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини эълон қилиниши, халқимизнинг чиндан ҳам буюк жасорати эди. Биринчи президентимиз мустақилликни қўлга киритиш борасида шундай ёзган эдилар: «Одамларга шуни аниқлаш керакки, бизга берилган имконият юз йилда бир марта келиши мумкин. Асосий масала шундан иборатки, мустақилликни сақлаб қолишимиз, уни келажак авлодларга ором етказишимиз, қадрини тўғри тушунишимиз лозим. Энди қадимизни кўтаришимиз керак. Бизнинг еримиз, эл-юртимиз энди-энди эркин нафас олаётти. Лекин одам табиати шундайки, қийинчилик, оғирчилик билан келган нарсанинг қадрига етади, агар бирон нарса энгил йўл билан қўлга кирса, унинг аҳамиятини тушун-

майди, қадрига етмайди. Қийинчилик билан, катта-катта талафотлар эвазига мана шундай истиқлолга эришса, уни қўлда қурол билан сақлайди, керак бўлса, жонини фидо қилади. Шунини унутмаслик керакки, истиқлолимиз осонликча қўлга киритилгани йўқ».

Дарҳақиқат, ўтган асрнинг 90-йилларида, яъни мустақилликка эришиш оstonасида халқимиз ўта мураккаб масъулият тарихий даврни бошидан кечиришга тўғри келди. Бир сўз билан айтганда, келажак авлодларнинг ҳақлари кўп ҳисобдан қандай давлат қурилишига боғлиқ эди.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси шу эзу мақсадларнинг ҳуқуқий пойдевори сифатида дунёга келди десак муболага бўлмайди.

Конституцияимизнинг энг муҳим жиҳати ҳақиқага аниқлик, унда энг аввало, давлат суверенитетини расман мустақамланганлигини эътироф этиш зарур.

Шубҳасиз, ушбу принцип ўзбек давлатчилигининг туб моҳиятини очиб берди. Аввало, Ўзбекистон суверен давлатдир. "Мустақил ўзбек давлати — халқимизнинг тарихий ютуғидир". Ўзбекистоннинг халқимиз орзу қилган чинакам мустақиллигини қўлга киритиши, унинг гуллаб-яшнаши ва фаровонлигига эришиши, тараққий этган давлатлар қаторига кириши, халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллаши биз кўзлаётган энг олий қадриятдир.

Суверенитет — ҳар қандай давлатнинг энг муҳим, ажралмас белгиларидан биридир. Шундан келиб чиқиб, Конституцияимизнинг биринчи бўлими, I боби, I-моддасида ўзбек давлатининг мустақиллиги, суверенитети расман мустақамлаб қўйилди.

Шунингдек, мамлакатимизнинг Асосий қонунини Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг деярли барча прин-



ципал қоидалари, шунингдек, инсон ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларига оид барча нормалар ўз аксини топган. Унда инсоннинг ҳаёти, шахси ва эркинлигининг ҳақсизлиги олий қадрият сифатида эътироф этилди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси шу заминда яшовчи барча халқларнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини ўзидан тўлиқ акс эттирди.

Кўпчилик яхши биледи, мамлакатимизда конституциявий назорат институтининг ташкил этилиши ўтган асрнинг 90-йилларида бориб тақалади. Бундан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикасининг бугунги машғул конституциявий назорат институти мамлакатимизни давлат мустақиллигига эришиши билан ҳамбарчас боғлиқ десак, муболага бўлмайди.

Шу мақсадда, "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги (80, 93, 108 ва 109-моддаларига), шунингдек, "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши билан мамлакатимиз Конституциявий суди фаолиятини янги босқичга олиб чиқди, десак тўғри бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Конституциявий суд қандай қўшимча ваколатларга эга бўлди, деган савол туғилиши табиий албатта. Булар қуйидагилардан иборат.

Келгусида, Конституциявий суд Ўзбекистон Республикасининг Президентини томонидан имзоланган қарарлар Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниқлайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг мундарибига қўшилган қўшимча бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига муво-

фиқлиги тўғрисида судлар ташаббуси билан киритилган муражотини қўриб чиқлади.

Конституциявий судлов ишларини юритиш амалиётини юмсалштириш натижалари умумий таъбири билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига мамлакатдаги конституциявий қонунчиликнинг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этди.

Кўриб турганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ўз фаолияти давомида янада янги ваколатларга эга бўлиш баробарида мамлакатимиз Конституциясининг мундарибига "ҳимоячиси" сифатида имкониятлари кенгаймоқда.

Албатта, Конституциявий судни бундай ваколатларга эга бўлиши, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини муносиб ҳимоя қилинишига хизмат қилади.

Ҳеч муболагағиз айтиш мумкин, 2017 йилда — ўзбек давлатчилиги тарихида янги босқич бошланди. Дунё жамоатчилиги Ўзбекистон қайси тараққиёт йўлидан боради, ривожланади деган маъноба бизга кўз тикиб тургани ҳам бор гап. Ўзбекистоннинг тараққиёт йўли аниқ. Биз тинчликни, яқин қўшничиликни ва тенг шерикчиликни қўллаб-қувватлаймиз. Конституцияимизда белгиланган инсон ҳуқуқларига ҳурмат билан қараймиз.

Бу сўзлар баландпарвоз бўлиб кўриниши мумкин. Лекин, ундай эмас. Юртига тинчлик, оиласига хотиржамлик, фарзандларига соғлиқ, дастурхонига тўқилиш, ёмонларга инсоф бериши сўрайдиган ҳар бир ўзбек қалбидан шу сўзлар ўтиши аниқ.

Абдуманноб РАҲИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг катта эксперти, юридик фанлар номзоди

## БУ ТУРФА ОЛАМ

### ЧИҚИНДИЛАР ЧАРМ ҚОПЛАРГА ЖОЙЛАНАДИ

Одатда чиқиндилар елим пакетларга солиниб, чиқариб ташланади. Экологларнинг фикрича, бундай идишларнинг чириб йўқ бўлиб кетиши учун узок йиллар талаб қилинади. Австриялик расмом ва дизайнер Хелмут Ланг баҳоли қудрат ушбу муаммоларнинг ечимини топишга ҳаракат қилди. Яъни у чиқиндиларни солиш ва ташини-га мўлжалланган чарм қопларни тавсия этмоқда.

Дизайнер қўй терисдан тайёрланган бундай қопларнинг бир неча турини намойиш этди. Бироқ мутахассислар таъминоти, бу қоплар экологик жиҳатдан қанча фойдали бўлмасин, оммалашини қийин. Сабаби у жуда қimmat — ҳар бир қоп 450 АҚШ доллари-дан.



### САЛОҲИЯТ ЕТАРЛИ, ДЕМАК...

Туркия — дунё сайёҳларини ўзига жалб этувчи мамлакатлардан бири. Аммо у кейинги 2-3 йил ичда ушбу соҳада ўзи мўлжалланган ларамалини ололмагани мумкин. Мутахассислар 2016—2018 йилларда Туркиянинг сайёҳлик соҳасида 30 миллиард доллар миқдорда зарар кўриши мумкинлигини тахмин қилишмоқда.

Туркия туристик инвесторлар ассоциацияси баёнотига кўра, 2016—2017 йилги мавсуми мамлакат сайёҳлик индустрияси 22 миллиард доллар камомал билан якунламоқда. Ассоциация мутахассислари катта миқдордаги зарарга йўл қўймаслик учун зудлик билан зарур чора-тадбирларни амалга оширишни тавсия этишмоқда.

Соҳада меҳнат қилаётган тadbirkorлардан бири Ойя Нариннинг фикрича, Туркия туризмнинг асосий муаммоси мамлакатта нисбатан хоржида шакланган салбий қарашлар экан. Яъни чет эллик сайёҳлар кейинги йилларда Туркияда ўз берган айрим кўнгилсиз воқеалар туфайли у ерга бориш фикридан қайтишмоқда.

Тadbirkor Туркиянинг аввалги мавқеи ва имижини тиклаш керак, деган фикрда. Бунга мамлакат раҳбарияти ва халқнинг салоҳияти етарли. Шунингдек, фойдалида пасайиш кузатилаётган сайёҳлик компанияларини молиявий қўллаб-қувватлаш керак. Зарур чора-тадбирлар амалга оширилса, Туркия 2020 йилга бориб сайёҳлик соҳасида яна юқори ўринга қайтади.

### ТИМСОҲ ТЕРИСИДАН КЎЗЙОНАК

Италиянинг "Billonaire" компанияси гардишлари тимсоҳ териси билан безатилган биринчи кўзойнакни ишлаб чиқарди.



Кўзойнақлар қора, сарғиш, жигарранг, тўқ қизил, кўк рангларда ясалган. Моделнинг ластикаси намойиши интернет-бутик орқали ўтказилди. Ушбу қimmat-баҳо ассеусаринг ҳар бири 998 еврога баҳоланмоқда.

"Billonaire"га 2003 йилда италиялик тadbirkor Флавио Бриаторе асос қолган. 2016 йилдан бундан ушбу брендининг акция пакетига "Philipp Plein" компанияси эгаллик қилади. Марка бутиклари Лондон, Милан, Париж, Москва, Дубай ва Йоханнесбург шаҳарларида мижозларга хизмат кўрсатапти.

### ОДАМ ҚУЛОГИДАН ТИРИК КАЛТАКЕСАК ОЛИНДИ

Хитойнинг Гуанчжоу провинцияси, Гуанчжоу шаҳрида яшовчи бир кишининг қулоғидан тирик калтакесак чиқариб олинди. Бу ҳақда "Daily Mail" хабар тарқатди.



Эрақанинг айтишича, унинг қулоғида бир неча кун давомида қандайдир ёқимсиз шитирлаш аломатлари сезилган. Шунингдек, бошининг ичиди нимадир юрганини ҳис қилади. У бош миёнаси сувак кириб олган дея тахмин қилади. Врач қўриғидан кейин маълум бўлишича, унинг эшитиш йўлига тирик олтиоёқ (майда калтакесаксимон) кириб олган экан.

Калтакесак қисқич ёрдамида чиқариб олинган кейин бемор дардан халос бўлди. Олтиоёқли бундай жонзотлар одам қулоғига кириб узок вақт қолиб кетиши мумкин. Уларни фақат врач кўмағида зудлик билан олиб ташлаш керак.

Олтиоёқли бундай судралиб юрувчилар майда калтакесаксимонлар туркумига кирди. Асосан тропик ва субтропик иқлим минтақаларида яшайди. Бу турдаги жониворлар бошқа калтакесаксимонларга ўхшаб одам ҳаёти учун жуда хавфли ҳисобланади.

### БИР ВУЖУДА ИККИ (МЕХАНИК) ЮРАК

Новосибирсклик кардио-жарроҳлар юракнинг ўнг ва чап бўламаларида ишловчи ва қон айланишига ёрдам берувчи қуримла — икки механик юракни бемор аёл тана-сига муваффақиятли ўрна-тишти. Беморга шифо-надан чиқишга ҳам рухсат берилди. Айтилишича, органлар етишмовчилиги ҳасталиги билан яшаб келаётган аёл ҳаёти ўлим ёқасига келиб қолган, бироқ мутахассисларнинг саъй-ҳаракати туфайли унинг ҳолати барқарорлашди.

Юрагига ўрнатилган насос аёл беллида олиб юради-ган кичик қутичадаги ташқи блокка кабель орқали ту-таштирилди. Бу блок клиникада вақти-вақти билан қайта созланади ва у қон оқимини назорат қилиш ва-зифасини бажаради.

Қон айланишига ёрдам берувчи қуримла юрак-нинг икки бўлмасида ишловчи механик насосдан иборат. Айтиш жоизки, хоржида ишлаб чиқарилган қурималар қон оқимини таъминлай олса-да, аммо юқори қон босимида сабаб бўлиши мумкин. Мута-хассислар дунё бўйича ўтказилган мазкур операция-ни бемор бўйрақлари фаолияти учун хавфсиз, дея баҳолашмоқда.

Операция муваффақиятли кечган бўлса-да, бемор барибир донор қўриғи ўтказилишига муҳтож.

Гўзал МАЛИКОВА тайёрлади.

Интернет манбалари асосида Ж.ХУҲАКУЛОВ тайёрлади.

# Қадим Петра жойлашган қиёр

## ЖУГРОФИЙ САЁҲАТ

Иордания неча минг йиллардан буюн ўз маданияти ва қадриятларини сақлаб келаётган мамлакатлардан биридир. Бу заминга ташриф буюрган меҳмон борки, у ердаги сахро ва денгизлар уйғунлигидан, йўқолган шаҳар жозибаси ҳамда неча минг йиллик тарихга эга маданият сарчашмаларидан баҳраманд бўлади.



Иордания Ҳошимийлар подшоҳлиги Осие гарбида жойлашган давлат бўлиб, майдони 91,8 минг километр квадрат. Баъзи манбаларда Урдун ҳам деб номланади. Пойтахти Аммон шаҳри. Мазкур жиҳатдан 12 муҳофаза(виллоят)га бўлинади. Давлат тўзими конституция-ли монархия бўлиб, мамлакатни қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимиятида катта ҳуқуққа эга малик (подшоҳ) бошқаради.

Иорданиянинг аксар қисми баландлашиб кетадиган ясситоғлиқлардан иборат. Иқлими — субтропик, қуруқ. Иордания энг мусаффо ўлкалардан, ҳавосида кислород даражаси бошқа жойларга қараганда 8 фоиз ортиқроқ, боз устига бром билан тўйинган. Шу боис ҳам бу ер дам олишни истовчилар учун аини қудай танловдир. Агар сизда тушкунлик ва уйқусизлик

муаммоси бўлса, бу диёрнинг мусаффо ҳавоси инсонни тинчлантиради ва ором бахш этади.

Иорданияда қор камдан-кам ҳолларда ёғади. Она табиат бу гўшага ана шу мўъжизани ҳаёт этган кун бутун муамлақат расман дам олади. Айтиш жоизки, мазкур замин ерлари охириги маротаба қорни 2012 йили — йўқолган Петра шаҳри очилиш маросимининг иккинчи кунда кўрган.

Подшоҳликда йил бўйи очиқ ва ёқимли ҳаво кузати-лса-да, саёҳат учун энг қудай вақт бу баҳор ва куз фаслидир. Ҳаво ҳарорати 30 даражага кўтарилган-да эса, сувнинг ҳарорати 25 даражага етади.

Бу ўлкада усувчи зайтун дарахтлари сони мамлакат аҳолисида 4 марта ортиқ. Подшоҳлик дунёнинг ривожланаётган мамлакатлари қаторига кириб, иқтисодийти барқарорла-шиш бораётган. Мамлакат иқтисодиётида давлат секторининг кўлами катта.

Бироқ хусусий мулкчилик ҳам кенг ривожланган. Қончилик саноати муҳим аҳамиятга эга. Бундан кимматли хомашё — фосфорит қазиб олиш бўйича дунёда 5-ўринда туради.

Дунёда энг шўр сув ҳавзаларидан бири — Ҳлик денгизнинг бир қисми ҳам шу мамлакат ҳудудида жойлашган. Ҳисоб-ки-тобларга кўра, денгиз са-тҳи ҳар йили бир метрга саёзлашмоқда. Агар шу кести-да давом этса ва уни тўлдирish чоралари қўрил-маса, 2034 йилга келиб ден-гиз суви батамом қуриши.

Минерал моддалар ва до-ривор хусусиятларга эга та-биий сув ҳавзаси бой бе-ри-лиши мумкин. Шу билан бир қаторда, билдурдек зилот суви би-лан машҳур Қизил денгиз

ҳам шу заминга туташ. Қизилқарлиси, маржон қоялар ва 800 дан ортиқ балӣқ турларига бошпана мазкур денгиз суви ҳаро-рати ҳеч қачон 22 градус-дан пасаймайди. 1965 йил-да мамлакат қиролли Хусайн Саудия Арабисто-нидаги 6 миң километр ква-драт сакхрон Ақаба жанубидаги 12 километр-ли Қизил денгиз соҳлига ал-машди. Кейинчалик сақ-ронинг бу қисмидан нефть захираси топилди.

Аммон дунёда энг қадимий шаҳарлардан бири. Илгари бу шаҳар Филадельфия деб номлан-ган. Оқ шаҳар, дея таъриф ҳам берилди. Бу ерда тун-да ҳаёт қийинди. Сабаби бу ердагилар, асосан тунда ишлайди. Кундузги соат 14:00дан бошлаб барча кор-

хона ва офислар ёпилади ҳамда ишчилар дам олади.

Иорданияда дунё мўъжизаларидан бири — Петра жойлашган. Хушманзара Петра ўйилган қоялар ва самовий тоғ манзаралари билан ўранган. Ҳаммани лол қолди-рувчи синаот шундаки, шаҳар ҳар соатда ўз ран-гини ўзгартиради. Фақат кечки пайтгина пушти-рангта бурканган Петрани томоша қилиш мумкин. Бугунги кунда шаҳарнинг маълум қисмигана сақ-ланган, чунки зилзилалар оқибатида кўп қисми вай-ронага айланган. Аниқла-нишича, шаҳардаги тоғ жинслари таркибидан 16 дан ортиқ минераллар бор.

Иорданиядаги Вади Рам (Ой водийси) ЮНЕСКО томонидан қўриқлангани-дан дунёдаги ягона чўл ҳисобланади. Кўплаб ки-нохилосмандлар олқиши-га сазовор бўлган "Транс-формерлар", "Қизил сай-ёра", "Марса сўнги кун", "Марслик" филь-млари айнаш шу сахрода су-ратта олинган. Вади Рам-да нафақат тасвирга ол-увчи турмуш аъзоларини, бал-ки палаткали меҳмонхо-наларда турувчи сайёҳлар-ни ҳам учратиш мумкин. Бу сахро ҳар бир кишига вақт ҳиссини туйиш, аба-дийлик ва сокинликни ҳис қилиш, самодаги барча юлдузларни бир ерда туриб кузатиш имконини беради.

МУШОҲАДА

Шу йилнинг 1 август куни уйимизга 1 километр қолганда бизни тўхтадишди. Ички ишлар ходими "Орқага қайтинг, бу ёққа йўл йўқ" деди.

Аваллига тушунмадик. Сўраб кўрсак, шу кўчага туташ жойда олий ўқув юрти жойлашган бўлиб, у ерда ўқишга ҳужжат топширган абитуриентлар тест синовидан ўтишаётган экан. Табиийки, бизни тўхташган жойда машиналар тикини ҳосил бўлган, ноилож янада орқага қайтиб автомобилни қолдирдик ва пиёда йўлга тушдик.

Институт яқинидаги манзара ҳайратимизни оширди. Йўлнинг икки четига стол-стуллар, каравотлар қўйилган, дастурхонлар тузалган. Минглаб ота-оналар, яқиндагина тест топшириб чиққан йигит-қизлар давра қуриб ўтиришди. Дошқозонда ош сузилапти. Соат ўн икки ярим. Бизнинг тахминимизча, соат 9:00 да тест саволларини ечишга киришган абитуриентлар аллақачон бу ердан уяларига равона бўлишлари керак эди. Йўқ, бу ердаги одамлар хавфсизлигини таъминлашга масъул кишиларнинг айтишича, йўл соат 15 дан кейин очилар экан.

Манзара сизга тушунарли бўлса керак: талаба бўлиш орзусидаги ёшларнинг ота-оналари ўз нурийдиларига тест синовидан муваффақият-ли ўтишларига шикибозлик қилиб бу ерга келишган. Энг қизиғи, ҳатто кулгили томони шундаки, бу меҳрибон ота-оналар ўз фарзандлари билан эрта тонгдан шу ерда ҳозир уялиб ўтиришган. Уялиб ўтиришган ичкари кириб кетган бўлса, бу ерда сиз унга нима қилиб берасиз? Бу саволга жавоб йўқ. Янама қизиғи, кечкуруни "Ахборот" дастурда тест синовидан ҳақиқати репортажда ота-оналарга қандай шароит яратилгани ижобий далил сифатида кўрсатилди.

Бир қарашда қўзимиз ўрганиб кетган бу манзара бизни ўйлантирмай қўймайди. Қанчадан-қанча ота-оналар иш вақтида бу ерда беҳуда ўтиришди. Энди шу ҳолатни юртимиздаги бошқа олий ўқув муассасалари сонига кўлайити-

райлик. Бу ҳолдан таъсирланганимни бир неча суҳбатдошларимга айтдим. "Шу ҳолат сизга маъқулми?" деб сўрадим. Кўпчилик бу ҳолга ижобий фикр билдирмади, энсалари қотгандай қўл силтаб қўйишди.

Эсиз вақт, эсиз фурсат. Қизиқ, бу ерда ота-оналарга нима бор? Ўзимнинг тўрт фарзандим институтга ўқишга кирган бўлса, бирортасининг орқасидан бормаганмиз. Бир сафар онаси ҳеч бўлмаса, тесдан чиқиб вақтинчи мўлжал қилиб бориш истагини билдирганда ўғлим: "Борманг, мен сизга ёш боламанми?" деб йўлдан қайтаргани эсимда.

Биз кўрган ҳолат эса тасодифий эмас, балки оммавий кўриниш касб этанди. Биргина — кейинги пайтда анъанага айланиб қолган мана шу ҳолат, маълум қатламдаги одамларимизнинг тушунчасини, савиясини ифодалаб тургандай. Ажабо, болажонига меҳрибонлигини шундай шаклда кўрсатиш мумкин экан-да. Айрим ота-оналардан нозир. Уялиб ўтиришган ичкари кириб кетган бўлса, бу ерда сиз унга нима қилиб берасиз? Бу саволга жавоб йўқ. Янама қизиғи, кечкуруни "Ахборот" дастурда тест синовидан ҳақиқати репортажда ота-оналарга қандай шароит яратилгани ижобий далил сифатида кўрсатилди.

Бир қарашда қўзимиз ўрганиб кетган бу манзара бизни ўйлантирмай қўймайди. Қанчадан-қанча ота-оналар иш вақтида бу ерда беҳуда ўтиришди. Энди шу ҳолатни юртимиздаги бошқа олий ўқув муассасалари сонига кўлайити-

Кўчага қолган



ВАҚТ

ри фарзандининг ўқишига, тест синовидаги тайёргарлик кўришига шунчаки эътибор қилганмикан?! Ҳолбуки, болага меҳрибон бўлиб, соатлаб беҳуда кутиш улар учун олдий иш.

Хориждан келган бир меҳмон биздаги меҳнатни ташкил этиш жараёнини кузатибди. Фикрини сўраганим, жавоби шундай бўлди: "Нега одамлар ўта даражада бемаъл ҳаракат қилади? Бизда битта нонга эга бўлиш учун санокли дақиқа керак бўлса, сизларда бир неча соат вақт сарфланади". Таниқли шоирини Эркин Вохидов бир шеърда ҳаётимиз тарзини японлардаги аҳвол билан таққослаб, узоқ умр кўрувчи японлар бизга ўхшаб вақтинчи тўйга сарфламайди, деган фикрни билдирган.

Хозир тўй-ҳашамлардаги исрофгарчилик ҳақида жоматчилик вакиллари жон куйдириб гапиришяпти. Гап тўйда ҳалдан ташқари кўп одам қатнашиб, ноз-неъматлар исроф бўлаётгани ҳақида кетяпти. Лекин яқин қариндошининг бир кунлик тўйига уч-тўрт кунни сарфлаган вақт исрофгарлари ҳақида нега бонг урмаймиз?! Бунинг номини одамгарчилик, меҳр-оқибат деб аташганига нима дейсиз? Қизиқ, юртимиздаги аксарият одамлар ўзини замонага мос билиб, бировдан кам ҳисобламайди. Уларнинг турмуш тарзи, меҳнат фаолиятига назар солсангиз, "Сен менга тегма, мен сенга тегмайман"

қабилда иш тутишди. Ўзларига Ватаним янада гуллаб-яшнаши учун нима қилиши керак, деган саволни беришмайди. Бугунги куннинг асосий талаби ҳақида ўйлаб ўтиришмайди.

Хозир ҳаётимизда шундай давр бошландики, ҳар бир фуқаро муштарак мақсадлар сари яқдиллик билан интилиши, юрт тараққиёти барчанинг аҳил-иноқлигига боғлиқлигини юракдан ҳис этиши зарур. Шу пайтгача рақбар ибрати, масъулияти ҳақида кўп гапириларди. Эндилекда ўзигини англаган ҳар бир ватандошимиз бир ёқадан бош чиқариши талаб этилмоқда.

Буюк давлат қуриш учун юксак маънавиятли фуқаролар керак. "Маънавият" сўзининг ўзаги "маъно" сўзидан иборат. Демак, ҳаётнинг маъносизлиги турмуш мазмунини назарда тутилди. Яшашдан мақсад нима, деб савол қўядиган бўлсак, умр деб аталмиш манзилларни мазмунга тўлдириб, ўзгаларнинг қалбида муносиб из қолдириш эканлиги аён бўлади. Бу мезонларга амал қилиш учун лоқайларди, агарофда рўй бераётган ўзгаришларга бефарқлик мутлақо тўри келмаслигини англаб етишимиз лозим.

Кейинги беш йилга мўлжалланган беш йўналишдан иборат Ҳаракатлар стратегиясининг аҳамияти ҳақида қайта-қайта гапиришимиз. Ушбу ҳужжатнинг энг асосий шартини — уни мамлакатимиздаги

ТАНҚИД ВА ТАКЛИФ

Одатдаги кунларнинг бирида эрталаб ишхонамга етиб олиш учун енгил машина тўхтаётсам, бир қиз ёнимга келиб: "Опа, метрогача таксида борасиз-а? Менам сизга шерик бўлсам майлими?" деди. Бирга кетдик. Йўл-йўлакай танишдик. Қўшни уйда тураркан. Ҳар кунни мени кузатиб, шу гапни айтолмай юрган экан. Сабаби у ҳам автобус кутишга кетадиган вақтига қуюниб, таксида юришни хоҳларкану, аммо бегона машинага ёлғиз ўтиришдан, тўғрироғи, таксичиларнинг ножоиз гап-сўзларидан кўрқаркан. Онаси ҳам ҳар кун "Бироз вақтинг кетса ҳам, барибир автобус кут. Кўчада яхши-ёмон бор" деб огоҳлантираркан. Қиз бир-икки марта онасининг раъидан чиқиб, университетига таксида кетганида, ҳайдовчининг номақбул гап-сўзларидан дами ичига тушибди-ю, манзилига етиб олгач, икки дунё бир бўлса ҳам йўловчи машинага ёлғиз чиқмасликка онт ичибди.

Қизларни кўрқитма, "ТАКСИЧИ"!



"КЕЧИРАСИЗ, ЛИЦЕНЗИЯНГИЗ БОРМИ?"

Бугун биз замонавий дунёда яшаймиз. Ишлар, режалар, орзулар кўп. Вақт тизгиз. Вақт бу — бойлик. Вақт бу — билим. Вақт бу — тажриба, ихтиро, ижод ва ҳоказо... Айниқса, бугунги интеллект баланд ёшлар учун вақтдан муҳимроғи йўқ. Улар ўқишди, ишлашди, кутубхона, тўғрак ёки репититорга қатнашди. Қолаверса, қизлар ҳаётга тайёрлиниш учун қўшимча курсларга ҳам боришади. Шундай пайтда йўлда кетадиган вақтинчи ҳам тежашга уринсан, киши. Бу борада, албатта, таксилар энг яхши кўмакчи. Аммо, қанийди, ҳамма ўз ишини сиққилдан қилса... Шу жумладан, ҳайдовчилар ҳам. Йўл-йўлакай у ёқ-бу ёқдан гаплашиб кетиш яхши, албатта. Аммо йўловчиларнинг, айниқса, хотин-қизларнинг шахсиятига тегиш ёки ножоиз лўқмалар ташлаш, умуман олганда, бировнинг хасми-халоли, синглиси ё қизини кўрқитиш киракашнинг ишимми? Ёш йигитлар-ку, майли, ҳаётга енгил-елпи қарашар, аммо айрим қариб қўлмаганларнинг қизи, набираси тенгиларга ўйноқ сўз қилиши, нотўғри йўлларга чорлашга нима дейсиз?! Тўғри, беш қўл баробар эмас. Ҳайдовчилар орасида иймонли, инсофчилари, онасига пешона тери эвазига ҳалол лўқма едираётганлар бор. Аммо енгилнинг остидан, оғирнинг устидан юришни ўйлаб, қорға меҳнатдан қочиб ёки тайинли, масъулиятли ишлардан бўйин товлаб, бир "тойчоқ"ни тижинглашиб, пул топиб юрганлар ҳам кўп. Бошқача айтганда, томорқасини бегона ўт босиб ёки экинлари қовжираб ётибди-ю, қўлида машинасининг калитини айлантириб, мижоз овлайдиган алпекбатларни ҳам кўрганмиз. Ёки уйда эриқиб қолгани учун киракашлик қилиб юрган "амаки"лар йўқми?! Улар мана шундай енгил ҳаётга, ортиқча жон қойитмай пул топишга ўрганиб қолган. Боз устига, кўпчилигининг ҳеч қандай даромад солиғи тўламаслиги, айниқса, йўловчи ташвиш учун лицензияси йўқлиги ҳам сир эмас. Табиийки, газетхонда "Қонуний фаолият юритаётганлар ҳам бор-ку. Қизларимиз шуларга минсин!", деган фикр туғилиши мумкин. Аммо кўчага чиқиб, сарик ёки қаймоқдан автомобилни култсангиз, ундан олдин автобус кўринали-ю, ҳафсалангиз пир бўлади. Тўғри, телефон орқали буюртма бериш ҳам мумкин. Аммо бу усул ҳамёнбон эмаслиги ҳаммага маълум. Шундай экан, йўловчи ташувчи енгил автомашиналар хизмати янада такомиллаштиришни давр талаб этмоқда. Бу борада жаҳон тажрибасини ўрганиш ҳар томонлама қўл келади.

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Ҳаммамиз хориж киноларини қизиқиш билан томоша қиламиз. Барча кинофильмларда сариқ рангли таксиларга қўзингиз тушади. Эътибор берган бўлсангиз, фильм бош қаҳрамони — тўзал қиз ҳеч қандай кўрқувсангиз кўчада ҳал келган таксини тўхта-тиб, жўнаб кетаверади. Қизиқ, уларнинг таксичилари чиройли қизга ҳеч гап отай демаяди. Нега? Чунки улар хизмат вазифини бажараяпти. "Иш вақтида ишингни қил" деган гап бекор айтилмаган-да. Чунки айрим Европа давлатларида таксичилар жетон билан йўлга чиқишади. Яъни ҳайдовчилик қилиш учун эрталаб маълум суммани тўлаб, жетон олишади. Табиийки, тўланган маблагни чиқариш, қолаверса, ўзи аъзо бўлган фирма мажбуриятлари унинг елкасига масъулият қўлайди. Шундай пайтда машинага чиққан ожизалар билан шакарғуфторлик қилиб юришга фурсати ҳам бўлмайди... Миллий ахлоқ-одобимиз асосида катта ҳаётга қадам қўяётган жўраккина қизларимизга оталарча, акаларча муомалада бўлаётганларга таҳсин айтаемиз. Аммо юқорида тилга олганимиз айрим киракашлар каби маънавий бузуқларга нисбатан аёвсиз бўлмоғимиз даркор.

ТАКЛИФ БИЗДАН, ХУЛОСА СИЗДАН

Бугун ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама ва мунозараларга сабаб бўлаётган мавзулардан бири ўқитувчи, шифокор ёки талабаларнинг ўз вазифасидан ташқари ишларга жалб этилиши бўлиб турибди. Қани эди, улар ўрнига таксичилар пахта йиғим-теримига сафарбар этилса. Ана унда улар ҳам офтоб тигида меҳнат қилиб, бошларидagi енгил-елпи фикрлар тарқаб кетармиди? Бу шунчаки ҳазил. Таксифимиз эса қуйидагича.

Ишончли ва маънавиятли таксичиларга эҳтиёж давр талаби эканини ҳисобга олиб, республика миқёсида "Хизмат кўрсатиш одоби" курслари ташкил этилиб, шу курсни тамомлашга қатнашган шахсий машинасида йўловчи ташвиш ҳуқуқи берилиши керак. Иккинчидан, йўловчиларни ноқонуний ташувчиларга кескин чоралар кўриш, бу ишни касб сифатида қабул қилганларнинг барчасини давлат рўйхатида олиш лозим. Қолаверса, тирикчилик манбаси айнан шу иш бўлган ҳамюртларимиз кўпчилигини ташкил этишини инобатга олган ҳолда солиқ тўлашнинг ҳамёнбон йўлини татбиқ этиш лозим. Бундан ташқари, йўловчи ташувчи автомашиналарнинг бир хил рангда, ҳайдовчилар эса махсус кийимларда бўлишини тўлиқ таъминлаш ҳам долзарб вазифа.

Шундагина аниқ иш жойи ва хизмат вазифасига эга бўлган ҳайдовчи мижозга нотўғри муомала ўзига зиёнлигини англайди, хотин-қизларни кўрқитмаслик, катталарга хурмат, кичикларга иззатда бўлишни ўрганади. Мақола бошида ҳикоя қилинган каби таксида ёлғиз юришдан кўрқилган қизлар ҳимоясига бефарқ бўлмайлик. Зотан, шундай осойишта юртимизнинг гузал кўчаларида фақат ишончли таксилар, маданиятли ҳайдовчилар хизмат қилиши керак, бизнингча.

Сиз нима дейсиз?!

Ситора ТОЖИДДИНОВА, "Hurriyat" муҳбири

ИНСОН МАНЗАРАЛАРИ

...яхши одамлар шунчалик кўпки, турмушда учраб турадиган айрим камчиликлар, баъзи кўнгилсизликлар тезда унут бўлиб кетади. Тушкунликка тушган руҳиятим кўтарилиб, кўнги қанотларим яна парвозга шайланади.

ҲАСАД ЭМАС, ҲАВАС ҚИЛ

Тишим оғриб туни билан азобландим. Шу боис эрталабдан шифокор қабулиданан. Оппок ҳалати ўзига ярашган ҳамаси элик ёшли тиш шифокори Нигора опа енгил ҳаракатлар билан беморни даволаб, тавсияларини бермоқда: "Ўз вақтида мен айтган муолажаларни (ҳар кун иштирдан олдин оғзини номақоб ва тез-тез исриқ дамламасига чайиш) қилиб турсангиз, тишларингиз умрини узайтириш бўласиз. Келинг, калланган мана бу тишингизни даволаб кўраман. Имкон қадар ўзингизниқини сақлаб қолариз. Олиб ташлаш — сўнгги чора. Бунга эса шовишмайлик".

— Тишларингиз парваришига бироз эътиборсизлик қилибсиз, — деди мени кўришдан ўтказди туриб. — Ҳечқиси йўқ, муолажалардан кейин ўйламанки, бу марварид доналарни асрайсиз, тавсияларинга амал қиласиз.

Очгани, унинг "тишларингиз бақувват экан" сингари мақтовлари қулоғимга мойдек ёқди. Ичимда нега аввалроқ билмадим-а, бутундан уларни астойдил асраб-авайлайман, деган қарорга келдим.

Хона четигади курсида ўтириб навбат кутаётган аёл шифокорнинг таниши шеклиди, иккаласининг гурунги қизиб кетди... Ёш келин эрининг айрим хатти-ҳаракатларидан хафа бўлгандек гапирган эди, Нигора опа ҳаётги мисоллар билан маслаҳат беришга киришди. Ўша суҳбатдан сўнг мен ҳам атрофдагиларнинг фақат яхши томонларини қидира бошладим. Салбий жиҳатларига эса парво қилмасликка ҳаракат қилмаман.

Шифокор ҳузурдан қайтар эканман, нафақат тишим оғриги, балки губорларим ҳам тарқаган эди.

"УМУМАН ОЛГАНДА, ЭМОН ЭМАС"

Қўл телефонимдаги жавоб берилмаган кўнгируқни қўриб, алланечук бўлиб кетаман. Кўп ўтмай ўша рақамдан яна кўнгируқ бўлади. Бу —

АТРОФУМДА



нима муаммо бўлса, тортинмай айтаверинг. Имкони бўлса, албатта ёрдам берамиз. Фақат сиз ижоддан тўхтаманг. Газетанинг бу гапни сонига навбатчи эканман. Иш вақти тугаб кетган бўлса, биз навбатчиларнинг ишимиз кўп. Қайнонам хавотирланибми, кўнгируқ қилиб, "Кеч қолаяпсиз, келинг?" дейдилар.

МУШКУЛИМ ОСОНЛАШДИ

Йўлда улов кутиб, анча қолиб кетдим. Юз хижолат бўлиб, уйга кеч қайтдим. Ўйлаганимдек, мени қайнонам остонада кутиб олмадилар. Аксинча, "сезмай қолдилар". Уст-бошларимни алмаштириб чиқимин биланок эшик олдида турмуш ўртоғим кўриди.

— Ҳалиги, — ерга қарадим, нима дейишимни билмай. — Болам, овқатни осганингиз қачонийди, пишандир. Боринг, сузиб келаверинг, — дедилар қайнонам уй ичкаридан чиқиб. Суҳбатимизни эшитиб турган эканлар. Ҳарқалай, мушқулим осон бўлди. Ошхонага кириб, не кўз билан кўрайки, қозонда овқат мил-мил қайнаб турибди. Салат қилиб, кўчат тўралган. Косалар таом сузишга тахт қилиб қўйилган. Дарров дастурхон ёзиб, овқатни сузим. Кечки овқатни хуш қайфиятда едик.

"КЕЧ ҚОЛАЯПСИЗ, КЕЛИН!"

Янги муҳит, янги оила, янги тартибга қўниқимин бироз қийин кечди. Рўзгор ташвишлари сабабми, ишимда пасайиш сезилди.

— Раҳмат, — дея оламан холос, ўша пайт қувонч билан, миннатдорлик билдиришининг бошқа йўлини тополмай.

"УМУМАН ОЛГАНДА, ЭМОН ЭМАС"

Бизнинг соҳамизда навбатчилик бир эмас, икки-уч кун давом этадиган жараён эди. Эртаси кун ҳам худди шу жараён такрорланарди. Уйга вақтида бориш керак. Иш қизгин. Кўнгируқлар...

— Сиз бораверинг, мен уйга кеч қайтсам ҳам бўлаверарди, — дейди яқиндагина иш бошлаган ҳамкасбим ҳазил-чин қилиб. — Ишингизни ўзим якунлаб қўяман. Ё менга ишонмайсизми?

"КЕЧ ҚОЛАЯПСИЗ, КЕЛИН!"

Янги муҳит, янги оила, янги тартибга қўниқимин бироз қийин кечди. Рўзгор ташвишлари сабабми, ишимда пасайиш сезилди.

— Бир амалладик, — дейдилар домлам мени талтайиб кетмасан деган мақсаддами. — Фалончига маъқул келди (бош муҳаррир номини айтдилар). Домла жамоадагиларнинг барини исми билан атайдилар. Сабаби, уларнинг аксарияти домланнинг шоғирдлари). Балий нарса ёзиш пайида бўлинг, янги нарсалар юборинг. Мана, масалан, овод турмушимизнинг ҳеч ким эътибор бермаётган жиҳатларини олиш мумкин. Кўнгируқ мавзусини... хуллас, ўзингиздан қолар гап йўқ! Нима бўлгандаям, бедарак кетманг.


"УМУМАН ОЛГАНДА, ЭМОН ЭМАС"

Қўл телефонимдаги жавоб берилмаган кўнгируқни қўриб, алланечук бўлиб кетаман. Кўп ўтмай ўша рақамдан яна кўнгируқ бўлади. Бу —

Моҳигул ҚОСИМОВА

МАТБАА

Шеър — хазина, қониди ашёр оловлана-ётган ҳар бир одам уни ёд олади, такрорлайди, ўзини қалбидаги ғалаён тўфонларини қарши олишга чоғлайди. Бугунги кунга келиб, қонимиздаги бу хусусият оммавий маданият таъсирида бироз сўнгандай бўлиши мумкин, лекин биз ҳушёрликни қўлдан бермаслик пайида бўлишимиз керак. Ким боласини алла ўрнига ҳикоя ўқиб овунтиради?.. Албатта, алла айтиб беради. Бола оҳангига эргашади, ифодали ўқишни, секин-секин фикрлашни ўрганади. Келажакимиз эгалари тарбияси оилаларда ана шундай бошланади. Хазинанинг қалити уларнинг қўлида бўлади.



МАЪНАВИЯТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Куввай ҳофизаси юксак, заковат нурларини таратган закий боболаримиз шеърятни бутун бир маънавиятимизни бойитиб келмоқда. Шеърят — гўзаллик ва нафосат олами. Бу оламда "Алпомиш", "Гўрўгли"дай дostonлар, мумтоз адабиётимизда: Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб, Отаҳдий, Муқимий, Фурқат; замонамиз қаҳрамонлари бўлиш Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Иброҳим Юсупов каби намояндалар манаман деб турибди. Шеърят — бутун бир маънавиятимиз, адабиётимиз пойдевори. Адабиётни ҳақиқий яхши кўрадиган ҳар бир китобхон бу сўзларни тасдиқлаши мумкин.

Шоир-ми, куйлайди иккаласин ҳам, Заминдан куч олди, самога ҳамдам. Саксон йил чорлашди ўртага олиб, Охир тортишувда Ер чиқди қолиб.

Абдулла Ориповнинг "Эверест ва уммон" китоби иккинчи марта нашр этилди. Ўқувчилар нашриёт дўконлари ёки тўғридан-тўғри нашриётта мушоарат қилиб, харидни амалга оширишлари мумкин.

Яна бир Қаҳрамон шоиримиз, халқ шоири Эркин Воҳидовнинг "Инсон" китобини нашриёт чоп этди. Бетакор сўз устаси умрини адабиётимиз, шеърятимиз равнақи учун сарфлади. Уни танимаган китобхон топилмайди. Шу китобга киритилган шеърларни қўздан кечирганимда шоирнинг "Ёш шоирга" шеъри эътиборимни тортди. Шу шеърнинг саккиз қаторини келтирмакчиман:

Тилай қайрат сенга, ёш шоир укам, Фазлу ҳикмат сенга, ёш шоир укам. Биз ҳам қўлаб ўтдик имконлар қайлар, Энди навабт сенга, ёш шоир укам.

Мустақил ҳур маъво сенингдир, сенинг, Озод, эмин садо сенингдир, сенинг. Биз шивирлаб айтган туйғунни энди Куйлаш ошқоро сенингдир, сенинг.

Эркин Воҳидов айтганидай, шеърятни тўхатиб бўлмайди, уни ошқоро куйлашда давом этиш керак.

"Ўзбекистон" нашриётида шу йил чоп этилган тўпламлардан бири Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиеванинг "Осойишта шам" китоби. Китобга шоиранинг янги шеърлари киритилган. Уларни мутолаа қилар экансиз, ижодкор қалб тугёнларини куйлаганининг, маълум бир давр руҳий кечинмалар гирдобиди бўлганлигининг гувоҳи бўласиз. Ўқувчи бу шеърларни ўқиб шоирани кучли инсон қиёфасида кўради. У бир тўртлигида шундай дейди:

Ҳозирман, бир шиддат, шахд келаётир, Йўлда сенмас. Кўк дарахт келаётир, Ватан деб аталмиш қадроҳларда, Байроқдай ҳилпирар вақт келаётир!

Шоирларимиз мамлакатимиз мустақилликка эришгунга қадар ва мустақиллик даврида миллиятимиз шанини шеърларида шоир қилиб куйлади, Ватанини мадҳ этди, китоблар тайёрлади.

Бизнинг ўзбек шеърятимиз бадияти жиҳатидан дунёда энг юксак шеърятлиги билан фахрланса арзийди.

"Ўзбекистон" нашриёти ҳам бу борада ўзининг қизгин ҳиссасини қўшмоқда. Ҳар бир ижодий ходим юксак маънавий масъулиятни ҳис қилади.

Нашриёт шу яқин йилларда бир қатор шеър китобларни босмадан чиқариши мумкин. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг "Эверест ва уммон" китоби шулар жумласидан. Бу китобга шоир ҳаётининг сўниги кунларида ёзган шеърлари ҳам киритилган. Абдулла Орипов шеърлари бугун тарихга айланди. Унинг ҳар бир шеърини бэзатиб қолдириб бўлмайди. Қуйида шу китобдан ўрин олган "Эркин Воҳидов хотирасига" шеърини сизларга ҳавола қилмоқчимиз:

Роса тортишдилар ер билан осмон, Шафқат айланди яноқлар чунон. Шоирни менки, дер эди само, Меники, дер эди она ер аммо.

ЯХШИ КИТОБ ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛАДИ?

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти бош муҳаррири Ҳабиб АБДИЕВ билан суҳбат

ҚУШИМЧА ЎҚУВ ҚўЛЛАНМАЛАРИ

Ёшлар маънавиятини оширишга, уларнинг комилликка интилишига хизмат қилувчи китоб ўзи қандай бўлиши керак? Кўп йиллик тажрибага эга ноширларнинг ўзи қандай китобни яхши деб ҳисоблайди? Бу борада қомусий адабиётларнинг, хусусан, энциклопедия, антология, луғат, хрестоматияларнинг ўрни қай даражада? Дарсликлар билан бир қаторда ёрдамчи нашр сифатида қандай китобларни ёшларга тақдим этиш лозим? Жаҳон бадияти намуналарини ўқувчиларга тақдим этиш учун, аввало, қай жиҳатлар аҳамиятли? Миллий адабиётимиз, хусусан, чорак асрлик йўлни босиб ўтиб кўйган Мустақиллик даври ўзбек адабиёти билан ўқувчиларни таништириш учун нимага аҳамият қаратмоқ керак?.. Саволлар кўп. Уларга жавоб олиш учун «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти бош муҳаррири Ҳабиб Абдиевга мушоарат қилдик.

лиқни янада ривожлантириш, китоб тарғиботи орқали халқимиз маънавиятини юксалтириш, китобхонлик анъаналарини кенг тарғиб қилиш каби масалалар хусусида сўз борди. Матбуот ва ахборот маҳсулотлари, китобхонликка бўлган эътибор юқори даражага чиқди. Энди ноширлик зиммасига улкан масъулият юкланди: сара китобларни халққа тақдим қилиш. Қайси китоб саралигини аҳолига билидириш, уларга яхшиларни ажратиб кўрсатиш пайти келди. Менимча, бунинг учун мамлакат миқёсида ҳар ким ўқини лозим бўлган китоблар рўйхатини тузиш керак. Балки ҳар бир нашриёт ўз архивидан бугунги китобхон ўқиши зарур деб ҳисоблаган энг сара нашрлар ўнтаклиги (ёхуд йиғирматалиги)ни тақдим этса, Ўзбекистон уюшмасидан рўйхат олинса, улар орасидан танлаб-саралаб, ягона бир бутун рўйхат шаклига келтирилса, мақсадга мувофиқ бўлар. Масалан, нашриётимизда чоп этилган Толстойнинг «Авлиё Сергий» қиссасини, ўзбек адабиётининг севги ҳақидаги энг сара ҳикояларидан тўпаланган гулдаста — «XX аср: муҳаббат ҳақида 20 ҳикоя» тўпламини, «XX аср ўзбек ҳикояси антологияси», «XX аср жаҳон шеърятини антологияси» сингари китобларни шу рўйхатга киритиш шарт деб ҳисоблайман. Бундан ташқари, мазкур рўйхатда «Менинг биринчи энциклопедиям» туркумидаги энциклопедиялар, «Менинг расмий энциклопедиям», «Минг бир сўзни билан» деб номланган болалар учун расмий изоҳли луғат, «Ислом энциклопедияси», «Болалар энциклопедияси», «Хотин-қизлар энциклопедияси», «Тарбия» каби энциклопедиялар, беш жиллик «Ўзбек тилининг изоҳли луғати», «Ўзбек исмлари изоҳи» ва, албатта, 12 жиллик «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» бўлиши лозим деб ўйлайман.

— «XX аср: муҳаббат ҳақида 20 ҳикоя», «XX аср ўзбек ҳикояси антологияси», «XX аср ўзбек шеърятини антологияси»... — аксар китоблар ўтган аср ижодкорларидан сўз юртади. Дарсликларда ҳам фақат мумтоз адабиёт ва XX асрда яшаб ижод этган буюклар — Чулпон, Усмон Носир, Қодирий, Қаҳҳор, Ойбек, Одил Ёқубов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов... Ахир, чорак асрдан кўпроқ умр кўриб, улғайиб қолган замонавий адабиётимиз — Мустақиллик даври ўзбек адабиёти билан бугунги ўзбек ўқувчиси қачон танишади? Кўпроқ янги давр ижодкорлари асарлари билан ўқувчилар жавонига кириб бориш даври талаби даражасига чиқмадикми?

— Тўғри айтасиз, бу мулоҳазаларнинг айна мавриди. Чиндан-да, кейинги даврда бир қанча ижодкорлар етишиб чиқди, қанчадан-қанча асарлар майдонга келди. Мактаб ўқувчилари эса дарсликларда асосан XX аср нусху номинларини ўқиб ўрганмоқдалар. Уларга кейингиларни ҳам танитиш пайти келди. Бунинг учун биз Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда назм ва наср антологиялари, турли хрестоматиялар қилишга тайёримиз. Фақат бундай китоблар илгаригидек минг, икки минг нусха чиқалинган бўлса, аҳвол эскилигича қолаверади. Шу боис биз лотин алифбосида тайёрлайдиган мазкур антологиялар республикамиздаги ҳар бир мактабга камиди 2 дондан етиб борадиган алаҳда чоп этилиши мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун биз тақдим этган антологияларни Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорлик қилишга тўғри келади. Менимча, адабиётта, маънавиятта юксак даражада эътибор қаратилаётган бугунги жараҳда, кўпгина масъулият гарданимизда турган шундай паллада Халқ таълими вазирлиги ҳам, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳам бу борада бизга бажони-дил кўмаклашишига ишонаман. Зеро, шундай антологиялар, хрестоматиялар болалар қўлига етиб борадиган бўлса, улар нафақат янги ижодкорларни ўзлари учун кашф этадилар, балки келгусида кимларни ўқишларини ўзлари учун танлаб, белгилаб оладилар. Бу ёзувчи, шоирлар учун ҳам, ноширлар учун ҳам айна муқаддир. Ўз-ўзидан китобхонлик даражаси ҳам кўтарилади. Энг муҳими, ёшларимизда танлаб ўқиб қобилият шаклланади. Бу маънан баркамол шахс бўлиб етишишдаги энг муҳим босқичдир.

— Нашриётимиздаги турли соҳавий энциклопедиялар, луғатлар, монографиялар жуда кўп чоп этилган, ҳозир ҳам чоп қилинмоқда ва келажак учун ҳам бир қанча илмий адабиётлар ҳозирлаб боришмоқда. Фақат бу китобларни қўнчиликка етказиш масаласини нашриётларни ўйлантиради, холос. Масалан, шу кунларда 20 000 дан ортиқ сўзни ўз ичига олган «Форсча-ўзбекча луғат» деярли тайёр ҳолга келтирилган. Ёки «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати»га кирмай қолган сўз ва иборалар» китобини чоп этишни режалаштирганмиз. Бу каби лойиҳаларимиз кўп. Уларнинг нашр этилиши ва реализацияси борасида тегишли вазирлик ва ташкилотлар биз билан ҳамкорлик қилишса, айна муқаддас бўлар эди.

— Ҳабиб ака, бугун китоб мутолааси тарғиботи масаласига ҳукумат даражасида эътибор қаратишмоқда. Бу жуда қувонарли ҳол, албатта. Бироқ яхши китобларнинг тарғиботи йўлга қўйиш ўта муҳим жиҳатдир. Аввало, қандай китоб яхши китоб эканлигини аниқлаб олишга тўғри келади. Шундай эмасми?

— Албатта. Президентимизнинг 3 августда эълон қилинган қарори билан бўлган учрашувда ҳам, «Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарушни янада тақомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонда ҳам Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги фаолиятини тубдан тақомиллаштириш, ОАВ, ноширлик ва матбаачи-

Неки монса, қаламдан монси

ИЖОДКОР ОЛАМИ

Икки мингинчи йилларнинг бошида вилоят газетасида бўлим мудири бўлиб ишлаётганимда хонага қотмагина бир йигит кириб келди. Шеърлари борлигини айтди. Янги муаллиф билан танишиш учун имзосига қарадим. Ашурали Боймурод, Бекободлик йигит экан. Унинг машқларидаги ўзига хосликни кўриб қувондим. Ижодий ҳамкорлигимиз кейин ҳам давом этди. Ўтган ўн беш-йигирма йил давомида Ашурали Боймурод кўплаб шеърый китоблар нашр эттирди. Анжуманларда бирга қатнашадиган бўлдик. Талашиб-тортишдик.



Ашуралининг таржимаи ҳоли ҳам ўзининг шеърлари сингари содда, самимий. Она юрт ҳақида, муҳаббат ҳақида, она ҳақида, энг муҳими, меҳр ҳақида бир-бирдан гўзал шеърлар ёзди. «Табиат сеҳри», «Садоқат», «Соғинч» номли китобларини муҳлисларига ҳавола этди. Шеърларида Бекободнинг сўлим баҳорини, ёзини, олтин кузини, қумуш қишини эркалаиб қаламга олди. Бекободнинг бир фарзанди бўлиб, унинг шонига бир чимдм шон қўйишга интилни, ўзи ҳам иззат-икром топди. Айниқса, шоирнинг Мустақиллик ҳақидаги шеърлари жуда таъсирлидир. Шоир ёзди:

Хурлиқнинг қадрига етсанлар билар, Кўнглини шод, овоз этсанлар билар, Ватанини елкада тутаганлар билар, Босган изларидан нур қолар гуллик, Онам кўзидаги гавҳарсан,

Хурлик! Сатрларни ўқийсизу, кўз ўнгингизда Ватан кенгликлари гавдаланади. У тобора кичрайиб кўз гавҳарига ҳо бўлади. Она Ватан деган улўф сўз шу-да! Ашурали шу сўзни жуда ўрнида, яна моҳирлик билан сатрларда ифода эта олган. «Ўзбекистон» шеъри, «Бор бўл, эй оламда, диёнат», «Соғинч» каби ўнлаб шеърлари борки,

шоир уларда энг эзгу туйғуларини қаламга олган. Ашурали Боймуроднинг юраги меҳр билан тўлиб-тошган. Унинг меҳри ҳатто китобларнинг номидан ҳам билиниб туради. Бундан ўн йил аввал чоп этилган «Меҳр», уч-тўрт йил бурунгиси «Меҳрис-но» деб аталганда ҳам сеҳр бордир. Мана шу охириги тўпламдан шоирнинг достони ҳам ўрин олган. Хонаси келди, ушбу достон «Саховат» журналида ҳам чоп этилган. Ёзувчилар уюшмасида муҳокама қилинган, муаллиф уни қайта ишлаганидан хабарим бор. Достон бошдан-оёқ Ватанга муҳаббат руҳида битилган. Чиндан Ўзбекистоннинг меҳрга қон эканлигини дунё билди. Уруш йилларида жангтоҳлардан эвакуация қилинган тўрт юз ўттиз минг нафар одамларни халқимиз бағрини очиб қутиб олди. Ўзи емай елдирди, ичмай ичирди, бир тийман нонини ҳам болаларга берди. Бунинг ўн тўрт нафар уруш болаларини таърихлаган Шомаҳмудовларнинг хотирасига қўйилган ҳайкал ҳам исботлаб турибди. Орол фожиаси, пахта иши каби эзиллишларни Ашурали жуда усталик билан, кўнчаллик билан тасвирлаган. Айтиш мумкин, ушбу достон шоирнинг юксалишидаги яна бир пиллаво бўлди.

Ижод аҳли худди альпинистларга ўхшайди. Бир чўққини забт этса, иккинчисини қўзлайди, забт


этишга бел боғлайди. Назаримда, Ашурали Боймуроднинг «Онагиман» шеърый романини назарда тутаётганимни муҳлислар англаган бўлса, ажабмас.

Шеърый роман ёзиш ўзбек адабиётида азалдан мавжуд. Ҳазрат Алишер Навоийнинг «Хамса»сига кирган ҳар битта дoston биттадан шеърый роман бўла олади, фикримча. Яқин йилларга қарасак, XX асрнинг ўттизинчи йилларида Элбекнинг «Тоғагул» романи дунё юзини кўрганни раҳматли Шуҳрат домла таърифлағувчи эди. Сўнгра Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирмуҳсиннинг «Зиёд ва Адиба» романини ўқидик. Ўзбекистон халқ шоири Ҳусниддин Шариповнинг «Бир савол» номли шеърый романи ҳам китобхонлар томонидан яхши кутиб олинди. Шу ўринда Муҳаммад Алининг «Боқий дунё» шеърый романини ҳам алоҳида таъкиллаб ўтишни истар эдим. Ашурали Боймуроднинг асарига эса тамомилта бошқа мавзуда — оналар, оналар мисолида ҳаёт ташвишлари ва қувончлари, хотира ва афсуслар, муҳаббат ва соғинчлар ҳақида.

Кичик бир манзумада Ашурали Боймуроднинг асарларини таҳлил этиш анча мушкул. Менинг ниятим ҳам унинг асарларини таҳлил, тадқиқ қилиш эмас, уни ижодий ютуқлар билан қутлас, холос.

Темур УБАЙДУЛЛО, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Шолазиз ШОХИДОВ суҳбатлашди.



# Муҳтарам юртдошлар! **“ОҲАНГАРОНШИФЕР” АЖ** Давлат корхонаси жамоаси

Сизларни яқинлашиб келаётган энг улғу,  
энг азиз байрамимиз —  
Ўзбекистон Республикаси  
**МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 26 ЙИЛЛИГИ**  
билан қизғин табриклайди!

Истиқлолимизнинг чорак асрлик шодиёнаси  
кенг нишонланаётган ушбу файзли кунларда  
сизларга мустаҳкам соғлик, бахт-саодат,  
Ватанимиз равнақи йўлидаги масъулиятли ва  
шарафли ишларингизда улкан омадлар тилайди.

**Осойишталигимиз бардавом,  
меҳнаткаш халқимиз омон бўлсин!**



*Ekologik toza mahsulot!*

Xizmatlarni taqdim etishni uyatlangan

Reklama

**Бир ҳовуч дур**  
Давлат учун кўнгилни зор этма,  
иззат учун ўзингни хор этма.  
Захириддин Муҳаммад БОБУР  
Сабр билан ишлар битар, шоҳқалоқлик бошга етар.  
Хусайн Воиз КОШИФИЙ

Илми амал учун ўрганинглар. Аксар одамлар  
илмлари тоғдек, амаллари заррадек бўлиб қолиб ян-  
лишишади.  
Иброҳим АДҲАМ

Қайси юртда ғариб хўрланса,  
уша мамлакат тезда вайрон бўлади.  
Саъдий ШЕРОЗИЙ

## MIROBOD Dehqon Bozori Aktyadorlik Jamiyati

# „Миробод деҳқон бозори“ акциядорлик жамияти жамоаси



Халқимизни ва мамлакатимиз меҳмонларини  
энг улғу, энг азиз айём  
Мустақиллигимизнинг 26 йиллиги  
билан самимий муборақбод этади.



Юртимиз  
пини,  
осмонимиз  
мусаффо,  
халқимиз  
дастурхони  
тўқин бўлсин!

Xizmatlarni taqdim etishni uyatlangan

Reklama

## ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР! “АСАКА” БАНК

яқинлашиб келаётган  
“Мустақиллик кuni” байрами  
муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги  
муддатли янги омонат турини таклиф этади:

**«МУСТАҚИЛЛИК – 2017»**  
Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 5 ой бўлиб,  
омонатга ҳисобланган фоизлар  
омонат муддати тугагандан сўнг берилади.  
Шу билан биргаликда, “Асака” банк миллий  
валютада 26 ҳамда хорижий валютада 13 турдаги  
қулай шартларда омонат турларини таклиф этади.  
Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.  
Мурожаат учун: «Асака» банк филиаллари телефонлари:  
120-39-81, 120-39-60, 120-39-63

Филиаллар	код телефон
Қорақалпоғистон филиали	(361) 770-60-59
Сурхондарё вилоят филиали	(376) 770-82-12
Андижон вилоят филиали	(374) 223-60-74
Сирдарё вилоят филиали	(367) 225-44-03
Асака филиали	(374) 233-21-99
Тошкент вилоят филиали	(371) 120-84-13
Фарҳод филиали	(374) 226-96-63
Фарғона вилоят филиали	(373) 244-39-14
Бухоро вилоят филиали	(365) 770-05-19
Олтиариқ филиали	(373) 432-19-80
Бухоро шаҳар филиали	(365) 770-11-27
Қўқон филиали	(373) 542-63-01
Жиззах вилоят филиали	(372) 226-43-11
Марғилон филиали	(373) 237-60-72
Қашқадарё вилоят филиали	(375) 221-07-41
Хоразм вилоят филиали	(362) 228-14-81
Навий вилоят филиали	(436) 770-21-29
Тошкент шаҳар филиали	(371) 120-83-13
Зарафшон филиали	(436) 572-40-14
Автотранспорт филиали	(371) 120-39-95
Наманган вилоят филиали	(369) 227-15-68
Сирғали филиали	(371) 257-44-10
Самарқанд вилоят филиали	(366) 233-65-47
Шайхонтохур филиали	(371) 140-39-36
Афросиёб филиали	(366) 221-71-76
Юнусобод филиали	(371) 221-80-67

“Асака” банк сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.  
Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини  
кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:  
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!  
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!  
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!  
- миқдори чекланмаган!

Xizmatlarni taqdim etishni uyatlangan

Reklama

**HURRIYAT**  
Mustaqil gazeta  
Муассис: Ўзбекистон  
Журналистлари  
ижодий уюшмаси

Бош муҳаррир  
**Ўктам МИРЗАЁРОВ**  
Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва  
ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган.  
Ҳажми 4 босма табоқ, Бичими — А-2. Баҳоси келишилган нархда  
Адади: 2660 Буюртма — S-9844 1 2 3 4 5

Тахририятга келган хатлар доимий эътиборимизда  
бўлиб, улар муаллифларга қайтарилмайди.  
Телефон: (0-371) 244-32-68, 244-32-88  
Тел-факс: (0-371) 244-32-80  
Реклама ва маркетинг  
бўлими: (0-371) 244-32-91  
Топшириш вақти — 20<sup>00</sup> Топширили — 18<sup>00</sup>



Манзилимиз: 100129,  
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.  
Газета тахририят компьютер марказида терилди  
ва оператор Нигора Ташева томонидан саҳифаланди.  
Навбатчи: Элмурод Нишонов  
“O'zbekiston” НМИУ босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.